جديد

Tilda, fikrda, ishda birlik!

# Jadid

adabiy, ilmiy-ma'rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta

2024-yil
5-yanvar
№ 2 (2)

2024 ЙИЛ – ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

# ФИКР ТИНИҚ, ҒОЯ АНИҚ БЎЛСИН!



**Дунё геосиёсий майдонида сўнгги йилларда Ўзбекистон тез-тез тилга олинадиган бўлди. Бу бежиз эмас. 2017 йил 22 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан биринчи марта мамлакатимиз парламенти – Олий Мажлисга Мурожаатнома тақдим этилди. Ўшанда давлатимиз раҳбари авваллари хаёлга келтириш мумкин бўлмаган кўплаб йўналиш ва тамойиллар қатори “Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади”, деган аниқ мақсадни ўртага қўйган эди.**

Жумладан, амалга оширилиши лозим бўлган ислоҳотлар қаторида инновация келажак кафолат эканини, жамият ҳаётида энг муҳим лойиҳаларни амалга оширишда ўзига хос локомотив ролини бажаришини, бу жараёнда иқтидорли ёшлар иштирокини, ижодий ғоя ва ишланмаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш вазифаси эътибор марказида бўлишини алоҳида таъкидлаган эди.

Орадан олти йил ўтди. Тарихан олиб қараганда, бу кўз очиб юмгунчалик фурсат. Ўнлаб йиллар давомида қотиб қолган тушунчалар ва ўзгармас ақидалар фонида янгиланиш қийин кечади, дейишади. Ният бошқа, амалга ошириш бошқа, дея белгиланган вазифаларга шубҳа билан қараб, ўлда-жўлда қолиб кетишини гумон қилганлар ҳам бўлди. Аммо, мана, шу олти йиллик қисқа фурсат барча шубҳа-гумонларни чиппакка чиқарди. Авваллари номи ҳам қайд этилмаган дунё рейтингларида Ўзбекистоннинг турли жабҳалардаги кўрсаткичлари салмоқли ўрин олди. Таққосласа, таҳлил этса арзигулик рақамлар, натижалар пайдо бўлди. Буларнинг барчаси эзгу ғоя ўз натижасини бера бошлаганини намоён этди. Танланган йўл тўғрилигини исботлади.

Энг муҳими, халқ розилиги йўлида кўзланган марралар юксак. Янги Ўзбекистоннинг Учинчи Ренессанси пойдеворини яратишдек юксак мақсад аҳолининг нуфузли қисмини ташкил этадиган ёшларни ҳаракатга ундай бошлади. Иқтисодий-ижтимоий соҳалар билан бир қаторда маданий юксалиш муҳимлигига эътибор кучайди. Янгиликка интилиш, юксалиш, ривожланиш, тараққиёт, бунёдкорлик ёшликнинг ажралмас қисми экани ўз исботини топа бошлади.

Ўзбекистон – ёшлар мамлакати. Ёшлик беқиёс имкониятларни юзага чиқарди. Соҳалар гуллаб-яшнаб, ишбилармонлик муҳити пайдо бўлди, бизнес ривожи йўлга қўйилди.

Давлатимиз раҳбари янги – 2024 йил муносабати билан халқимизга йўллаган табригида иқтисодиётимизга хорижий инвестицияларни жалб этиш, тадбиркорлик ва хусусий мулк учун кенг имкониятлар яратиш, илм-фан, инновация, IT каби соҳаларни, “яшил” ва рақамли технологияларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади. Янги иш ўринлари ташкил этиш, аҳоли даромадларини ошириш, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдорини кўпайтириш, хотин-қизлар ва нуронийларни, ёрдамга муҳтож инсонларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий соҳалар ривожини мутлақо янги босқичга кўтариш ривожланишга муқобил равишда ўсади. Инсон қадрини улуғлаш, аҳоли манфаатларини таъминлаш, бунинг учун кучли иқтисодиёт барпо этиш асосий вазифа экани айтиб ўтилди. Шу мақсадда 2024 йил мамлакатимизда “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”, деб эълон қилинди.

Табрикда тилга олинган соҳаларга оид атамаларнинг аксарияти технологик ўзгаришларга юз тутган дунё тараққиёти билан боғлиқ равишда замонга мос экани эътиборга олинадиган бўлса, йил номи ҳар томонлама пухта ўйлаб қўйилгани, жонажон Ўзбекистонимизнинг дунё билан ҳамқадам тараққиёт йўлини акс эттиради.

Табрикда таъкидланганидек, ортда қолган 2023 йил эл-юртимиз учун қут-баракали ва омадли келди. Юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, турли миллат вакиллари ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатлик эзгу ғояларни амалга ошириш учун кенг имкониятлар эшигини очади. Ўтган йили мамлакатимиз тарихида биринчи марта умумхалқ референдуми асосида янгиланган Конституция қабул қилинди. Келгуси тараққиётимизни белгилаб берадиган “Ўзбекистон – 2030” стратегияси амалга ошира бошланди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан янги таҳрирдаги “Жадид” ҳафталик адабий-маърифий, илмий газетанинг чиқа бошлагани ҳам Сиз азиз муштарийларга янги кунлар шукуҳини бахш этишига ишонамиз.

Янги йилингиз омадли келсин!

**Шойим БЎТАЕВ**

АКС САДО

## ЎРИНЛИ ТАКЛИФ

Аввало, “Jadid” газетасининг биринчи сони билан республикамизнинг барча зиёлиларини чин юракдан муборакбод этаман. Ўз даврида мактаблар очиб, дарслик ва ўқув қўлланмалар ёзган ака-ука Шокиржон ҳамда Собиржон Раҳимийдек жадидларнинг давомчилари сифатида биз бу янгиликдан оиламиз билан жуда мамнун бўлдик. Газетадаги барча маълумотлар, мақолалар қизиқарли, албатта. Айниқса, адабиётшунос Б.Каримов томонидан “Таклиф” рукнида берилган “Турон” жадид кутубхонаси бунёд этилса...” мақоласи менга жуда манзур бўлди. Қирқ йилдан ортиқ шу соҳада хизмат қилган кутубхоначи сифатида бу таклифни жуда ўринли, деб биламан.

Қолаверса, “Турон” кутубхонасида жадидчиликка оид ноёб китоблар жамланиши, йўқолиб бораётган вақтли матбуот нашрлари кўз қорачиғидек асралиши мумкин. Ушбу жадид кутубхонаси ташкил бўлса, назаримда, бу ҳам тарихий адолатни қайта тиклаш йўлидаги бир дадил қадам бўлади.

“Турон” жадид кутубхонаси чин маънодаги халқаро зиё масканига айланишига ишонаман.

**Вазира СОБИРОВА,**
*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими*

## БАЙРАМ БАРЧАМИЗНИКИ

Янги ташкил бўлган “Жадид” газетасининг илк сонидан жой олган турли мавзудаги мақолаларни ўқиб, бой таассурот олдик. Жумладан, адабиётшунос Олимжон Давлатовнинг “Байрам кимники?” сарлавҳали мақоласи муаллифнинг асосли фикр-мулоҳазалари, ишонарли факт ва далиллари билан газетхонларда катта қизиқиш уйғотгани шубҳасиз.

Яқинда нишонлаганимиз – Янги йил байрами, унинг тарихи, тақвим (календарь)нинг пайдо бўлиши омиллари, мусулмон давлатларида янги йил байрами нишонланадиган саналар, бугунги кунда энг мукаммал саналадиган григориан тақвими каби кўпчиликни қизиқтирадиган мавзулар ушбу мақолада батафсил шарҳланган.

Муаллиф Янги йил байрамининг илмий асосларини баён этаркан, мазкур байрам дунёвий характерга эгалигини, “...григориан тақвими дастлабки диний мазмунидан анча кенгайиб, вақтни тизимлаштирувчи ва мувофиқлаштирувчи умумжаҳоний механизмга айланган”ини таъкидлайдики, демак, бу байрам барчамизникидир.

**Гулчеҳра МАНСУРОВА**

ТАЛҚИН

## МАЪРИФАТ ЙЎЛИ

**“Буюк маърифатпарвар боболаримиз томонидан олға сурилган ғоявий-сиёсий, ижтимоий-маърифий ва ҳуқуқий-ахлоқий қарашлар, турли миллат ва элатлар ўртасида бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик тамойилларини қарор топтириш билан бирга, миллий манфаатларни ҳимоя қилишга қаратилган интилишлар ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда барчамиз, аввало, ёшларимиз учун чинакам ибрат намунасидир”.**

Ушбу пурмаъно ва ҳаққоний фикрлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг яқинда пойтахтимизда ўтказилган “Жадидлар: миллий ўзлик, истиқлол ва давлатчилик ғоялари” мавзусидаги халқаро конференция иштирокчиларига йўллаган табригида айтилган. Давлатимиз раҳбари бу борада илгари сурган амалий таклифлардан бири янги, 2024 йилнинг илк кунидаёқ рўёбга чиққани – «Жадид» газетасининг дастлабки сони чоп этилгани таҳсинга сазовор.

*(Давоми 2-саҳифада)*

ЁДНОМА

## ҚАТАҒОН ҚИЛИНГАН АДОЛАТ ПОСБОНЛАРИ



**Ўзбекистон Республикаси Президенти муҳтарам Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мустабид тузум даврида ноҳақ қатағон қилинган юртдошларимизнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, уларнинг пок номларини тиклаш, хотирасини абадийлаштириш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Кейинги йилларда юзлаб ана шундай фуқаролар, жумладан, қанчадан-қанча жадид боболаримиз Ўзбекистон Олий суди томонидан оқлангани бу йўлдаги муҳим амалий қадам бўлди.**

Бугун инсон қадрини улуғлаш ғояси давлатимиз ва жамиятимизнинг энг эзгу ва олий мақсадига айланган.

Бу мақсадга эришишнинг ҳал қилувчи омилларидан бири эса, халқимизнинг тарихий хотирасини тиклаш, миллатимиз ва мамлакатимиз саодати йўлида шаҳид кетган аждодларимизнинг покиза номларини абадийлаштириш, уларнинг хотирасига ҳурмат бажо келтиришдир.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Миромонович Мирзиёев доимо марҳумлар, айниқса, эл-юрт манфаатлари йўлида жонини тикканлар руҳига эҳтиром кўрсатиш зарурлиги ҳақида гапирадилар, бу борада муҳим вазифаларни белгилаб берадилар.

*(Давоми 2-саҳифада)*

МОЗИЙ – ҲАҚИҚАТ ТАРОЗИСИ

## ЖАДИДЧИЛИК НИМА?

### Уни нега ўрганиш керак?

**XIX аср охири – XX аср бошларида “жадид”, “усули жадид”, деган сўз ва иборалар қўллана бошлади. Кейинроқ эса бу ҳодиса бутун жамият ҳаётида ўзгаришлар ясай бошлагач, “жадид”, “усули жадид”, “зиёли”, “тараққий” каби сўзлар оммалашиб кетди. Қримнинг Боғчасарой шаҳрида “Таржумон” номли газета чиқариб, Россия чор маъмурларини ташвишга солиб қўйган татар зиёлиси Исмоилбек Ғаспрали “усули жадид” тушунчаси ва у билан боғлиқ бутун бир жараённинг асосчиси эди. Бу тушунчани Исмоилбекнинг ўзи шундай таърифлайди: “...ота-бобо кунларидан қолмиш миллий мактаблари ислоҳ этмак усули жадид демакдир, бошқа бир ўқув, бошқа бир мактаб демак дагилдир”.**

Амалий жиҳатдан фавқулодда ижобий натижалар берган бу усул аср бошида Туркистоннинг барча шаҳар ва қишлоқларига кириб бораётган эди. Бу усул тарғиботчилари ана шу муносабат билан “жадидлар” номини олди, уларнинг мактаблар ислоҳоти билан бошланиб, аста-секин жамиятнинг маданий-маънавий ҳаётини, кейинроқ ижтимоий-сиёсий соҳаларини қамраб олган ҳаракати учун эса “жадидчилик ҳаракати”, даврни эса “жадидчилик даври” деб аташ ҳам XX аср 20-йилларда таомилга кирган эди. Бу даврни ўз вақтида айрим мутахассислар “Туркистоннинг миллий уйғониш тарихи”, дея номлаб салмоқли тадқиқотлар ҳам яратганлар.

*(Давоми 3-саҳифада)*

Oyina.uz кутубхонаси



# ҚАТАҒОН ҚИЛИНГАН АДОЛАТ ПОСБОНЛАРИ

Бошланиши 1-саҳифада

2023 йилнинг 31 август куни пойтахтимиздаги "Шаҳидлар хотираси" хиёбонида масъуллар ва жамоатчилик вакиллари билан бўлган учрашувда ҳам Президентимиз қатағон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш бўйича муҳим ташаббусларни илгари сурдилар, барчамизга кўрсатмалар бердилар.

Бизнингча, аввало, бундай ташаббусларнинг аҳамиятини чуқур тушунишимиз, қалбдан ҳис қилишимиз зарур.

Шўролар қатағони даврида минглаб бегуноҳлар қаторида прокуратура тизими вакиллари ҳам кўплаб мусибатларга дучор этилди. Ор-номусини ҳар нарсадан устун қўйиб, ноҳақликларга қарши борган, қатъият кўрсатган, чин маънода довюрак ва ватанпарвар маҳаллий ходимларнинг 150 нафари устидан жиноят иши қўзғатилиб, улардан 30 нафари отиб ташланган. Қатағонга учраганларнинг аксарияти нафақат суд-ҳуқуқ тизимининг фидойи вакиллари, балки эл-юрт тақдири учун куюнган, унинг саодати йўлида борини беришга тайёр бўлган миллатимизнинг садоқатли, салоҳиятли, ноёб истеъдодли фарзандлари эди.

Жумладан, 1920-1924 йилларда Бухоро Халқ Совет Республикаси адлия халқ нозири ва Республика прокурори бўлиб ишлаган Абдураҳим Юсуфзода тараққийпарвар "Ёш бухороликлар"нинг етакчиларидан бири бўлган. Унинг ташаббуси билан Бухоро шаҳрида учта суд биноси барпо этилган, судлов органларида биринчи бор апелляция органи – "Таниз маҳкамаси" ("Арз маҳкамаси") ташкил этилган, судьяларни олим, фозил, насл-насабли номзодлардан саралаб тайинлаш йўлга қўйилган, тарихий-меъморий обидалардан ҳибсхона сифатида фойдаланиш амалиётига барҳам берилиб, улар қайта тикланиб, Бухоро маданият музейига айлантирилган. Айнан Абдураҳим Юсуфзоданинг саъй-ҳаракатлари билан 1924 йилда Москвада рус ва ўзбек тилида "Бухарская жизнь" номли журнал ҳамда Ўзбекистондаги илк киностудия – "Бухоро-Рус киножамияти" ташкил этилган.



Абдураҳим Юсуфзода

Абдураҳим Юсуфзода 1924 йилда Россия ҳаво флоти – "Добролёт" билан шартнома имзолаб, Бухоро – Хива – Тошкент – Олмаота йўналишларида ҳаво қатнови ва почтани йўлга қўйган, "Юнкерс" фирмасидан 6 та самолёт харид қилинишига эришган. Афсуски, у 1936 йилда НКВД ходимлари томонидан ҳибсга олиниб, 1937 йилда отувга ҳукм қилинган.



Мирзо Қўқонбой Абдухолиқзода

Қатағон йилларида ноҳақ айбланган яна бир прокурор Мирзо Қўқонбой Абдухолиқзода араб, форс, рус ва турк тилларини мукаммал билган. У 1916 йилда Жиззах қўзғолони қатнашчилари устидан суд жараёнида ўттиздан зиёд жиззахликларни ўлимдан сақлаб қолган.

Ўзбекистон Адлия халқ комиссарлиги ҳузуридаги прокуратура терговчиси, Зарафшон округ катта терговчиси, Бухоро прокуратураси терговчиси лавозимларида ишлаган Мирзо Қўқонбой Абдухолиқзоданинг уйида жадидчилар Вадуд Маҳмуд, Чўлпон, Мунавварқори Абдурашидхонов каби маърифатпарварлар тез-тез учрашиб туришгани, уларни эл-юрт қайғуси бирлаштиргани ҳақида маълумотлар бор.

Дарвоқе, Мирзо Қўқонбой Абдухолиқзода етук олим, зиёли ҳам. У "Жиззах қўзғолони", "Намоз шайкаси", "Тоғ қизи", "Истаджон", "Қамчиндан қон томади" каби тарихий воқеаларга бой роман, қисса, ҳикоя ва очерклар ёзган. Рус тилидан биология, антропология, зоология, ботаника дарсликларини ўзбек ва тожик тилларига таржима қилган.

Умуман, қатағонга учраган ўнлаб ходимлар давлат ва сиёсат арбоби даражасига етган эди. Бугунги кунда улар ҳақида тақвим яратилди, ҳар бири ҳақида алоҳида монография ва ҳужжатли фильмлар тайёрланмоқда. Шунингдек, қатағонга учраган ходимларнинг оиласи ва бошқа яқин кишилари рўйхати тузилди, 10 нафарининг яшаган манзиллари аниқланди. Ҳозирда кўча, маҳалла ва мактабларга қатағон қилинганларнинг номларини бериш ҳамда ёдгорлик лавҳалари ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда. Бош прокуратуранинг "Ўзбекистон прокуратураси тарихи музейи"да алоҳида бурчак ташкил этилиб, қатағон қилинган прокуратура ходимлари ҳақидаги маълумотлар ва тегишли тарихий ҳужжатлар жойлаштирилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 31 августдаги топшириқлари ижросини таъминлаш мақсадида махсус Фармойиш қабул қилдик. Фармойиш асосида қатағон қурбони бўлган прокуратура ходимларининг номларини тиклаш ва хотирасини абадийлаштириш бўйича "йўл харитаси"да белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича Бош прокурор ўринбосари раҳбарлигида ишчи гуруҳ таркиби тасдиқланди.

Бош прокуратура томонидан тайёрланган ва қатағонга учраган ходимларга бағишланган "Тарихий хотира беқиёс" номли китобнинг биринчи жилди нашр этилгани Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи ходимлари билан ҳамкорликдаги ишларнинг илк натижаларидандир. Китобга 1917 – 1940 йилларда фаолият юритган ва қатағонга учраган 40 нафар ходим ҳақида маълумотлар киритилди. Унда қатағон даврининг қурбони бўлган прокуратура ходимларининг ҳаёти ва фаолияти тарихий ҳужжатлар ва бошқа далиллар воситасида очиб берилган.

Нафақат соҳа вакиллари, балки кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган мазкур китоб эл-юрт манфаатлари учун жонини тиккан аждодларимиз руҳига бугунги авлоднинг ҳурмат ва эҳтироми ифодасидир. Қолаверса, ёшларимиз онгига Ватанга муҳаббат, халққа садоқат, ҳалоллик, одиллик каби туйғуларни янада чуқур сингдиришда ҳам муҳим аҳамият касб этади, деган умиддамиз.

Хулоса сифатида Президентимизнинг қуйидаги сўзларини келтириш ўринлидир: "Халқимиз асрлар давомида оғир синовларда, босқинчи ва ёвуз кучларга қарши машаққатли курашларда букилмас ирода ва жасорат намунасини амалда намоён этиб келган.

Ўз озодлиги, эркинлиги йўлида курашиб, беҳисоб қурбонлар берган ота-боболаримиз жасорати хотирамиздан ҳеч қачон ўчмайди".

**Ниғматилла ЙЎЛДОШЕВ,**
*Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори*

# МАЪРИФАТ ЙЎЛИ

Бошланиши 1-саҳифада

Давлатимиз раҳбарининг табригидан келтирилган иқтибосда жадидларнинг "ғоявий-сиёсий, ижтимоий-маърифий ва ҳуқуқий-ахлоқий қарашлар"ни олға сургани алоҳида таъкидлангани бежиз эмас. Чунки маърифатпарвар боболаримизнинг фаолияти фақат адабиёт соҳаси билангина чекланиб қолмаган. Улар ижтимоий соҳанинг таълим ва маърифат, тарих ва тараққиёт, театр ва драматургия, санъат ва мусиқа, фалсафа ва мантиқ, миллий давлатчилик ва ҳуқуқ, табиат ва география каби жамиятшуносликнинг деярли барча йўналишларини ривожлантириш тарафдори бўлган.

Бинобарин, бугун жадидчиликнинг ҳолати ва истиқболларини ҳар томонлама чуқур ўрганишимиз лозим. Ўрганганда ҳам фақат адабиётшунослик эмас, балки барча фанлар доирасида жадидчилик феноменининг турфа қирраларини синчиклаб таҳлил ва талқин этиш керак бўлади. Бу, ўз навбатида, бир қатор илмий-амалий ишларни бажаришни тақозо этади.

Биринчидан, "Жадидчилик луғати"ни тузиш керак. Бўлажак луғатда ушбу воқеликка тааллуқли барча сўз, атама ва тушунчалар жамланиши ҳамда уларнинг ҳар бири аниқ илмий-назарий изоҳланиши мақсадга мувофиқдир.

Иккинчидан, ташкил этилажак Жадидчилик академияси халқаро мақомга эга бўлгани мақбул. Ўтган аср бошларида шаклланган жадидчилик ҳаракати нафақат Марказий Осиё минтақаси, балки бутун мусулмон олами ва туркий дунё тарихида чуқур из қолдирганлиги факти ҳам айнан шундай ёндашувни талаб этади.

Учинчидан, "Жадидчилик ҳаракатининг тарихий солномаси"ни тузиш зарур. Биргина ҳозирги Ўзбекистон ҳудудини оладиган бўлсак, ўша даврда Хива ва Қўқон хонликлари ҳамда Бухоро амирлиги сарҳадларида бу ҳаракат турли тарихий шахслар томонидан ҳар хил даврларда ва турлича шаклларда ташкил этилганини кўрамиз. Уларнинг мақсад ва интилишларида ҳам муайян фарқли жиҳатлар мавжуд бўлган. Ана шу тарихий ҳақиқатларнинг барчаси тарихий солномада ўз аксини топиши ўринли ва фойдали, деб ҳисоблаймиз.

Тўртинчидан, "Жадидчилик қомуси"ни яратиш даркор. Албатта, қомуснома тузиш тез битадиган иш эмас, балки изчиллик ва узвийликни талаб этадиган масъулиятли жараён. Ўйлаймизки, аввало, "Жадидчилик луғати" ва "Жадидчилик ҳаракатининг тарихий солномаси"ни тузиш ишлари бу борада муҳим тайёргарлик босқичлари бўлиб хизмат қилади.



**Акмал САИДОВ,**
*академик*

Бешинчидан, жадидчилик ҳаракати намояндалари асарларининг кўп жилдлигини нашр этиш керак. Бу тўплам барча маърифатпарвар аждодларимизнинг асарларини қамраб олиши шарт. Бу борада ғайриилмий қарашларга аллақачон чек қўйиш фурсати етган!

Олтинчидан, барча даражалардаги таълим муассасаларида ўқитиладиган дарсликларнинг мазмун-моҳиятига жадидчилик ғояларини сингдириш лозим. Зеро, жадидчиликни алоҳида фан сифатида ўқитиш ўз йўлига, юртимиз ўқувчи ва талабалари сабоқ оладиган турли фанлар бўйича дарсликларнинг тегишли тарзда ушбу ҳаракат намояндаларига мансуб илғор фикрлар билан бойитилиши янада таъсирчан ва мақбул амалиёт бўлади, деган фикрдамиз.

Еттинчидан, жадидларнинг давлатчилик ғоялари ва ҳуқуқий қарашларини бугунги тарихий ва сиёсий воқелик нуқтаи назаридан теран ҳамда холис ўрганишимиз давр талабидир. Зотан, Президентимиз таъкидлаганларидек, "...ушбу ҳаракат намояндаларининг Марказий Осиё ҳудудида миллий давлатчилик ва минтақавий ўзига хосликни, фуқаролик жамиятининг ривожланишига қўшган улкан ҳиссасини концептуал ва тизимли асосда атрофлича ўрганиш долзарб масала бўлиб қолмоқда".

Мухтасар айтганда, биз учун жадидчиликнинг синовдан ўтган амалий тажрибаси Янги Ўзбекистон ва Учинчи Ренессансни бунёд этишнинг муҳим маънавий-назарий манбаси бўлиб хизмат қилади. Чунки жадидларнинг ғоя ва дастурлари, давлатимиз раҳбари эътироф этганидек, Янги Ўзбекистонни барпо этиш стратегияси билан ҳар томонлама уйғун ва ҳамоҳангдир.

ЭКОЛОГИЯ

# ТИНИҚ ОСМОН, ЯШИЛ МАКОН

**Сув ва ҳаво инсон ҳаёти ва соғлиғини таъминлайдиган энг зарур табиий омиллар экани маълум. Афсуски, бугун жаҳон аҳли сув етишмовчилиги ҳамда ҳавонинг ифлосланиб бораётганидан тобора ташвишга тушмоқда. Айниқса, сўнгги вақтларда пойтахтимиз ҳавонинг ифлосланиши бўйича дунёда юқори ўринларда тургани ачинарли ҳолдир.**



Ҳавонинг ифлосланиши қандай салбий оқибатларга олиб келиши ҳақида ўйлашнинг ўзи кишининг ақлини шошириб, ўйлантириб қўйиши аниқ. Кейинги уч кунда Тошкент шаҳри ҳавоси сифати (AQI) ҳақида берилган маълумотда ҳафтанинг сешанба, чоршанба кунлари шаҳар ҳавоси зарарли, деб баҳоланди. Кези келганда, ҳавода PM2.5 заррасининг кўпайгани хавфли эканини алоҳида қайд этиш жоиз. Хўш, нима учун айнан ушбу заррага кўпроқ эътибор қаратиляпти? Гап шундаки, йирик зарралардан фарқли ўлароқ, бу кичик зарра биологик тўсиқларни енгиб ўтиб, организмга жойлашади ва инсон саломатлигига хавф туғдиради.

Маълум бўлишича, бу зарранинг манбаи асосан транспорт воситалари, саноат корхоналари, қурилишлар, асфальтнинг эрозияга учраши, автопокришка, тормоз колодкаларини ювиш туфайли, шунингдек, аксарият ҳолларда, қишлоқ хўжалигида амиакли ўғитлардан фойдаланиш оқибатида юзага келади. Бу зарранинг хавфлилик даражаси юқорилигига сабаб шуки, инсон кундалик нафас олиш жараёнида хавф-хатарни сезмайди, яъни зарралар организмда мунтазам тўпланиб боради. Хўш, шундай экан, биз юртимизни ва ўзимизни бу кўринмас хавфдан қандай асрашимиз мумкин? Назаримизда, биринчи навбатда, пала-партиш қурилишларни тартибга солиш зарур. Бунинг учун ҳар қандай қурилиш жараёнини яшил макон яратиш билан бирга олиб бориш зарур. Айниқса, кўп қаватли уйлар олдида, ҳар бир йўлак олдида кўкаламзор майдончалар яратишга зудлик билан киришимиз лозим. Шунингдек, чиқиндиларни белгиланган контейнерларга ташлаш ва уларнинг усти ёпиқ бўлишини назорат қилиш шарт. Келажагимиз осмони мусаффо бўлишини, фарзандларимиз соғлом ва баркамол ўсишини истасак, ҳар биримиз юртимизни яшил маконга айлантиришга ҳисса қўшайлик.

**Гўзал ХАЛИЛОВА,**
*ўқитувчи*

# ВАТАНПАРВАРЛИККА ДАЪВАТ

**Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академиясида Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг "2023-йилда амалга оширилган чора-тадбирлар, шунингдек, 2024-йилдаги асосий вазифалари"га бағишланган йиллик ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди.**

Йиғилишда Жамоатчилик кенгаши раиси 22-декабр куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида белгиланган вазифалар, хусусан, миллий таълим-тарбия тизимини ривожлантириш ҳамда жадидчилик ҳаракати намояндаларининг фидойилиги, улар ижодининг бугунги кундаги аҳамияти тўғрисида тўхталиб ўтди. Буюк давлат арбоби ва саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг маънавий мероси ва ҳарбий жанг санъатини кенг жамоатчилик, айниқса, ёшлар онгига чуқур сингдириш, улар қалбида ватанпарварлик ҳамда ифтихор туйғуларини мустаҳкамлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан Жамоатчилик кенгаши аъзолари Б.Ҳасанов ва Ҳ.Дадабоевнинг фикр-мулоҳазалари, таклифлари тингланди. Мудофаа вазирининг тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари Ҳ.Қаршиев томонидан вазирлик тизимидаги Олий ҳарбий таълим муассасалари курсантлари ва Темурбеклар мактаби ўқувчилари ўртасида ҳар йили жадидчилик тарихига оид Республика Олимпиадаси ҳамда вазирлик қўшинлари ўртасида тарихчи олимлар ва таниқли ижодкорлар билан ҳамкорликда "Жадидлар – миллат фидойилари" мавзусида Мудофаа вазири кубоги учун уч босқичли танлов ўтказиш таклифи ўртага ташланди. Шунингдек, "Қатағон қурбонлари" хотираси давлат музейи ҳамда бошқа тарихчи олимлар билан ҳамкорликда Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисм ва Олий ҳарбий таълим муассасаларида "Жадидлар қаҳрамонлиги" номли тематик синфлар ташкил этиш таклифи билдирилди.

**Оқилжон АБДУБАРНОЕВ**

Oyina.uz кутубхонаси

# Жадидчилик нима?

## Уни нега ўрганиш керак?

Бошланиши 1-саҳифада

Шундай қилиб, XIX аср охирларида ва XX аср бошларида Туркистонда “жадидчилик” ёки “миллий уйғониш даври” бошланди. Профессор Бегали Қосимов бу давр хусусиятларини ўрганиб, шундай хулосага келган эди: “Туркистонни саводли ва маърифатли, тўқ ва фаровон, озод ва обод ватанга айлантириш, биринчи навбатда, мустақилликка эришиш, мустамлакачилик исканжасидан халос бўлиш жадидчилик ҳаракатининг асосий мақсад-вазифасини ташкил қилар эди”.

XIX асрнинг охирлари ва XX аср бошларига келиб жамиятнинг энг илғор фикрли қатламлари курашларини акс эттирган миллий уйғониш муайян мафкура сифатида, биринчи навбатда, маърифатчиликда кўринди. Ана шу мафкуранинг жарчилари бўлган жадидлар эса кенг миқёсли амалий фаолият билан ўз ғояларининг жамият ҳаётида қарор топиши, мустаҳкамланиши ва охир-оқибат улар кўзлаган миллий озодлик, сиёсий мустақиллик курашларига ўсиб ўтиши учун замин ярата бошладилар. Бу бутун Туркистон халқининг ижтимоий-сиёсий тафаккури тараққиётида янги бир босқич эди.

XX аср бошларига келиб Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Фарғона водийси шаҳарларида ўнлаб “усули жадид” мактаблари очилди. Бу хайрли ишнинг ташаббускорлари Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдуқодир Шакурий, Сиддиқий-Ажзий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Ашурали Зоҳирий, Лутфулла Олимий, Муҳаммадшариф Сўфизода, Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий каби атоқли зотлар эди.

“Усули жадид” мактабларининг очила бошлаши уларни алифбо ва бошқа ўқув қўлланмалари билан ҳам таъминлаш муаммосини келтириб чиқарди. Самарқандлик маърифатпарвар Ҳожи Муъин ёзади: “1901 йилдан эътиборан Қўқон ва Тошкентда, 1903 йилдан Самарқандда янги мактаблар очила бошлади. Бу мактаблар Туркистоннинг катта шаҳарларида сон жиҳатидан (тақлидий суратда) бир дорожа кўпайган бўлса ҳам, 4-5 йилдан кейин яна камайиб, фақат баъзи тузуклари давом этди. Бунинг бир сабаби китобсизлик бўлса, бошқа сабаби ўқитгувчиларнинг усули таълимдан хабарсизликлари эди”. Бу вазифани ҳам янги мактаб ташаббускорлари ўз зиммаларига олдилар. Туркистон жадидлари бирин-кетин “Устоди аввал” (Саидрасул Саидазизий), “Адиби аввал” (Мунавварқори Абдурашидхонов), “Биринчи муаллим”, “Иккинчи муаллим” (Абдулла Авлоний), “Таҳсил ул-алифбо” (Абдуваҳоб Ибодий), “Раҳбари аввал”, “Таҳзиб ус-сибён” (Садриддин Айний) каби алифбо ва дарсликлар ёзиб, нашр қилдирдилар. Нафақат алифбо, айни чоғда ҳисоб, жуғрофия, тарих, имло қоидалари, ислом дини тарихи, она тили ва адабиёти каби алоҳида предметлар бўйича ҳам Беҳбудий, Фитрат, Ашурали Зоҳирий, Ҳамза, Авлоний, Айний кабиларнинг махсус дарслик ва мажмуалари тайёрланиб чоп этилди.

Жадидлар маслагининг амалга ошувида мактаблардан кейинги асосий ўринни матбуот эгаллайди. “1904 йилда рус-япун уруши чиқиб, бизнинг ҳам кўзимиз очилди. 1905 йилдаги Русияда бошланган инқилоб тўлқини бизга ҳам зўр таъсир қилди. Бизнинг ташкилотимиз (жадидлар – Ш.Р.) сиёсий маслакларга тушуниб, биринчи навбатда қора халқни оқартирмоқ ва кўзини очмоқ чорасига киришди. Бу мақсадга эришмоқ учун газета чиқармоқни муносиб кўриб, уюшманинг ҳаракати билан ўзбек тилида газеталар чиқарилди”, деб ёзган эди Абдулла Авлоний.

Дарҳақиқат, 1905 йил рус инқилоби ва унинг таъсирида, кейинроқ подшоҳ Николай II томонидан 17 октябрда эълон қилинган манифест Туркистон тараққийпарвар зиёлиларининг фаолиятлари кенгайишига бироз имкон берди. Манифестдаги айрим демократик ислоҳотлар, яъни шахснинг дахлсизлиги, виждон ва сўз эркинлигидан фойдаланиб, миллий газеталар чиқаришга расмий рухсат олинди: шу зайилда жадидларнинг “Тараққий”, “Хуршид” (1906), “Шуҳрат”, “Тужжор” (1907), “Осиё”, “Самарқанд” (1913), “Садойи Туркистон”, “Садойи Фарғона” (1914) газеталари, “Ойина” (1913), “Ал-ислоҳ” (1915) каби журналлари дунё юзини кўрди. Миллий матбуотимизнинг бу илк намуналари турлича тақдирга эга. Аксарияти бир неча сонлари чиқиб улгурмай, ҳурфикрлилиги учун ёпиб қўйилди.

Минг йиллик анъанавий йўсиндаги адабиёт ўрнига янги, замонавий адабиёт, янги адабий тур ва жанрлар, ҳатто янги адабий тил шакллана бошлади. Матбуот билан бирга турли соҳаларни қамраб олган публицистика, адабий танқид пайдо бўлди. Бадиий ижодда “жанровий” инқилоб содир бўлиб, бармоқ вазнидаги ижтимоий, маърифий шеърият, рўмон, ҳикоя, драматургия майдонга келди. Янги адабиётнинг Беҳбудий, Сиддиқий-Ажзий, Абдулла Қодирий, Ҳожи Муъин, Абдулла Авлоний, Ҳамза Ҳакимзода, Сидқий Хондайлиқий, Фитрат, Садриддин Айний, Тавалло, Нозимахоним, Мирмулла ва Мирмуҳсин Шермуҳамедовлар, Сўфизода, Иброҳим Даврон, Абдулла Бадрий, Нусратулла Қудратулла-Миллий, Хуршид, Чўлпон каби ўнлаб намояндалари етишиб чиқди.

XX асрнинг 10-йиллари Туркистон маданияти тарихига янги ўзбек миллий театрининг ҳам вужудга келиш даври бўлиб кирди. 1911 йилда Маҳмудхўжа Беҳбудий “Падаркуш ёхуд ўқумаган боланинг ҳоли” номли “3 парда 4 манзарали миллий, биринчи фожиа”сини ёзади. Асарни чоп қилиш хусусидаги уринишлар икки йилгача муваффақиятсиз кечади. Фақат пьесани 1812 йили рус-француз муҳорабасининг Бородино майдонидаги руслар ғалабаси билан якунланиши 100 йиллигига бағишлаб, Тифлисдаги цензорга юборилиши нашр учун имкон беради. “Матбуот ишлари Тифлис қўмитаси цензори рухсати билан Кавказ ўлкаси саҳналарида қўйиш мумкин”, деган 1913 йил 23 март 19940-сон қарорига кўра, асар 1913 йил Самарқандда алоҳида китоб ҳолида чоп этилади.



**Шуҳрат РИЗАЕВ,**
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, профессор



“Падаркуш”нинг нашрдан чиқиши том маънода ўзбек миллий театрининг туғилишини белгилади. Шу йилнинг ўзидаёқ Самарқандда Беҳбудий, Тошкентда Мунавварқори ва Абдулла Авлоний раҳбарлигида асарни саҳналаштириш ҳаракатлари бошланади.

“Падаркуш” илк бор ҳаваскорлар томонидан 1914 йил 15 январь куни Самарқанднинг Янги шаҳар қисмида намойиш этилади ва жуда катта муваффақият қозонади. “Падаркуш”нинг илк муваффақияти бутун Туркистонга ёйилади. Кетма-кет барча йирик шаҳарларда саҳналаштирилади.

Театрдан бирламчи мақсад янги, ғоят таъсирчан санъат тури билан миллатнинг маърифий-маданий савиясини кўтариш, илм ва ўқимоққа даъват этиш бўлса, иккинчидан, таъкидлаганимиздек, театр-томошалар воситасида муайян маблағ топиб, “усули савтия” мактаблари, бошқа хил ўқув юртлари, хайрия жамиятлари, матбуот ва бошқа маданий ишларга моддий ёрдам кўрсатиш эди.

“Турон” номини олган Тошкент театр труппаси 1915 йилдан бошлаб таржима асарлари қатори миллий драматургиямизнинг янги-янги намуналарини мунтазам саҳналаштириб боради. 1915 – 1916 йиллар давомида Абдулла Қодирийнинг “Бахтсиз куёв”, Абдулла Авлонийнинг “Адвокатлик осонми?”, “Пинак”, Ҳожи Муъиннинг “Мазлума хотун” пьесалари труппа репертуаридан жой олади. Таъкидлаганимиздек, шу йиллари ўз миллий режиссёрларимиз ҳам етиша бошлайди. Низомиддин Хўжаев, Абдулла Авлоний, Бадриддин Аъламов кабилар бу соҳанинг илк қалдирғочлари бўлди. Авлоний ўз “Таржимаи ҳоли”да “...бизнинг мақсадимиз зоҳирда театру бўлса ҳам ботинда Туркистон ёшларини сиёсий жиҳатдан бирлаштирув ва инқилобга ҳозирлов эди”, деб айтганди.

20-йилларнинг ўрталаридан жадидчилик идеологияси ва намояндаларини маънавий тазйиқ қилиш кучайди. Аввал матбуотда мунозарадек бошланган жараён расмий тус олиб, сиёсий ёрлиқ ёпиштириш билан якунланди. 1927 йилда жадидчиликка совет идеологиясига қарши аксилинқилобий ҳодиса ва ҳаракат, деб расман сиёсий баҳо берилди. Намояндалари “зиёли” эмас, “зиёнли” деб қораланди. 1929 йил ўрталаридан эса уларни жисмоний таъқиб этиш бошланди. Мунавварқори Абдурашидхонов, Убайдулла Хўжаев, Салимхон Тиллахонов, Саидносир Миржалилов, Қаюм Рамазон кабилар ҳибсга олиниб, сургунга маҳкум этилдилар. Бирор тасодиф ва айрим сабабларга кўра таъқибдан омон қолганлари маънавий тазйиқ ва таҳдидлар хавфида совет идеологиясини қабул қилиб, шу позицияда фаолият кўрсатмоққа мажбур бўлдилар. Аммо бу ҳам кўпга бормай, 1937 йилнинг умумиттифоқ қатағон компаниясида батамом барҳам топди. Жадидчилик ҳаракатининг ҳар қандай кўриниши сўнгги вакиллари билан бирга буткул тугатилди.

АНЖУМАНДАН СЎНГ

***Қадим Шарқда азалдан ҳукмдор қабулида ҳозир бўлмоқнинг маълум тартиб-қоидаларига амал қилинганини биламиз. Яъни ҳузури муборакда беизн сўз айтилмаган – сўралгандагина аниқ, мухтасар жавоб қилинган; бунда ҳар хил тама ёки иғво аломатлари аралашса, тегишли йўсинда жазога мустаҳиқ этилган. Албатта, бандаси хом сут эмиб катта бўлганки, унақа ҳолатлар ҳам кам учрамагандир. Бироқ биз ҳозир муддаомиздан йироқлиги боис, ул хусусда сўз юритмоқдан тийиламиз.***

# МЕНГА СЎЗ БЕРИНГ!..



**Эркин АЪЗАМ,**
*Ўзбекистон халқ ёзувчиси*

Бугун бошқа замон, раҳбар билан раият ўртасидаги муомала-муносабат хийла эркин, демократик, ҳатто дўстона бир тус олган. Бугун ҳар ким мажлис-маросимда сўз олиб, дилидагини эмин-эркин баён қилиши, зарур келганда “катта”нинг фикрига асосли эътироз билдириши ҳам айб саналмайди ва бунинг учун бирон бир кишига зиён етмас, гоҳо эса ана шу дадиллиги учун раҳбарнинг олқиш-эътиборига сазовор бўлгуси.

Яширмайлик, давлат бошлиғи қатнашадиган катта йиғинлар олдидан кўпинча айрим эҳтиёткор ходимлар сўзга чиқадиган кишига “ғоявий ишлов беради” – нимани айтиш керагу нимадан “қайтиш” кераклиги хусусида. Биз бу тартибни ҳошакалло бекор қилиш тарафдори эмасмиз, раҳбарларнинг вақти зиқ бўлади, мавзудан ташқари ҳар хил луқмалару беҳуда сўзамоллик билан уларни банд этиш одобдан эмас. Бир кун келиб сўзловчиларимиз ҳам, тингловчиларимиз ҳам махсус “муаллим”ларсиз гапнинг маром-меъёрини билиб олар, шунга мувофиқ гўфтугў қилинар, лекин ҳозирча...

Янги йил арафасида ўтказилган маънавиятчи ва маърифатчиларимизнинг катта йиғинида биз бунга амин бўлдик. Кенгаш раиси ҳисобланган Президент Шавкат Мирзиёев маърузасини якунлаб, қатнашчиларга сўз бераркан, бояги “муаллимчилик” тажрибасидан хабардор эканини айтди, бугун шу тартибдан воз кечиб, хоҳлаган одам сўзга чиқиши, кўнглидагини баралла баён қилиши мумкинлигини таъкидлади, анжуман аҳлини очиқликка, дадилликка даъват этди.

Аввало шуни айтайликки, давлат раҳбарининг муфассал маърузасида маънавий-маърифий ҳаётимизнинг барча муаммолари тилга олинди ҳисоб, ҳар томонлама таҳлил қилинди, ечим ва истиқболлари бир-бир кўрсатиб берилди. “Жадид” аталмиш янгича газета, улуғ аждодларимиз номида халқаро мукофотлар таъсис этиш,ноширларга солиқ имтиёзлари, музейлар, театрлар таъмири, маошлар масаласи, дегандек...

Бундай олганда, кун тартибидаги масалалар ҳал, изоҳ-изҳорларга ҳожат йўқ эди. Қоида бўйича эса, анжуман аҳлининг олдидан ўтиб, уларга-да сўз бермоқ лозим. Бу ёғи, сўз олган музаккирлар ўртага қўйилган вазифалар юзасидан аниқ-лўнда фикр билдирса кифоя. Қаёқда дейсиз, бир-икки нотиқни истисно қилганда, ҳамма ўз дардига тушиб кетди. Дарди – юксак назарга илиниб қолиш, “мен ҳам борман, ҳалиям борман”, баҳонада аравасини юргизиб олиш, тўймас илинж, ошкора тама... Бунга ўхшаш катта-кичик йиғинларда қатнашиб кўрган одам – шахсан мен хижолатларга чулғаниб ўтирдим...

Тўғри, маърузада акс этган масалалар бўйича фикр билдириш, уни қўллаб-қувватлаш ва кўрсатилаётган ғамхўрлик учун миннатдорлик изҳор этиш, ҳатто унча-мунча лутф қилиш ҳам айб эмас, албатта. Аммо гапирган гапимиз бошдан-адоқ ҳамду санодан иборат бўлса, боз устига унда риёкорлик манаман деб турса, ишни юриштиришга доир бирор жонли фикр ўртага ташланмаса... Маънавият ва маърифатнинг чин ҳомийси сифатида бағрикенглик қилиб, кўнгилда борини баралла сўзламоққа қайта-қайта даъват этиб турганига қарамай, эсли-ҳушли мардум давлат раҳбарининг ҳар дақиқа вақти ҳисобли эканини ҳис этмоғи даркор. Бундай чоқда масала ҳар қанча мураккаб бўлмасин, айтилаётган фикр имкон қадар қисқа ва лўнда ифода этилмоғи лозим. Қаранг, ён-верингизда ўтирганлар ҳам содда-анойи эмас, ҳар бири ўз соҳасининг билимдони, пири дегулик! Улар қолиб (балки турли андиша билан), айнан сиз сўз сўрадингизми, марҳамат, эл-улусга манфаатли бирор гап билан ўзингизни кўрсатинг, таҳсин айтайлик!

Бундай чучмаллик, юмшоқсупургилик ёши катталаримизга кечаги замондан илашиб келаётган иллат-да десангиз, бугунги ёшлар-чи?! Қаторлашиб сўзга чиққан бир талай ука-сингилларимизнинг ўктам ва бийрон хитобларию чиранишларини (ҳа, шундай, бошқа ифода йўқ!) кўриб, улуғ шоиримизнинг пушаймонликка тўлиқ надоматли сатрлари ёдга тушиб кетади:

*Энди сен боболар шавкатига боқ,*
*Актёрдек сохтакор шавқларга*
*тўлма.*
*Мен ҳаёт қўлида бўлдим ўйинчоқ,*
*Бахтсиз яшаб ўтдим,*
*сен бахтсиз бўлма.*

Президент нутқининг аввалида бесаранжом замонда яшаётганимиз, бу кўҳна дунё ҳамон зўру зар ўртасида талаш экани, айниқса, сўнгги кунларда оғзига кучи етмаган айрим “ватанпарвар” нусхалар ўз юртининг ҳолига боқмай бошқа юртларга эгалик даъвоси билан чиқаётгани борасида фикр юритиб, шундай нозик ва қалтис дамларда зиёлиларимиз бирдам ва маҳкам турмоқлари зарурлигини таъкидлади.

Ажабки, минбарга чиққан воизларимизнинг бирортаси ана шу муҳимдан-муҳим, ҳаёт-мамот дегулик масалани лоақал бир эслаб қўймади. Бизнингча, кун тартибидаги энг долзарб мавзу шу эди. Хўш, ўзинг-чи, ўзинг нега мум тишлаб ўтирдинг дейишлари мумкин. Айбимиз бўйинда, ҳар маъно истиҳолалар гирдобида биз ҳам мажлисхонани тўлдирган кўпчилик қатори томошабин бўлиб ўтирганимиз рост. Бунга энди оқлов топиб бўлмас!

Хўш, шундай қилиб, каминангиз эркин минбар – минбар эркинлигига қаршими? Зинҳор-базинҳор, йўқ! Ниҳояти айтмоқчи бўлганим – катта минбарлар сари йўл олганда миллион-миллион қоракўз элдошларимиз, келажак бизга кўз тикиб турганини унутмасак бас! Чинакам инсоний бурч-масъулият деганимиз ҳам, миллий ғурур деганимиз ҳам ана шунда юз кўрсатади.

*Илмсиз миллат, қавм асир ва заиф қолур. Илмсиз давлатни фойдаси йўқ, илмсиз дунёдорни ҳаёти йўқ.*

**Маҳмудхўжа БЕҲБУДИЙ**

2024-yil 5-yanvar
№2(2)

# УЙҒОНМОҚ ДУНЁ БИЛАН БАРОБАР ЯШАМОҚДИР

**Жадидлар ёшларни Ғарб ва Шарқнинг тараққий қилган мамлакатларига ўқишга юборишга алоҳида аҳамият бердилар. Авлоний тилга олган тошкентлик тараққийпарварлар – “жадидлар тўдаси” “жамияти хайрия” очади. Жамиятнинг 1909 йил 12 майда тасдиқланган 41 моддалик Низомидан маълум бўлишича, унинг муассислари Тошҳожи Туёқбоев, Низомиддин Мулла Ҳусаинов, Мулла Абдулла Авлонов, Мунавварқори Абдурашидхонов, Баширулла Асатиллахўжаевлар бўлиб, вилоят ҳудудидаги ночор, муҳтож мусулмонларнинг моддий-маънавий аҳволини яхшилаш, жумладан етимлар, кексалар, ногиронлар учун касалхона, амбулатория, чойхона, ошхона, ётоқжойлар очишдан тортиб, ёшларни мактабда ўқитиш, сўнг олий таҳсил учун чет элларга юборишгача бўлган масалаларни кўзда тутар эди.**





**Бегали ҚОСИМОВ,**
*Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, профессор*

Умуман олганда, мамлакатимиз қоп-қора зулмат қаърида қолган пайтлари ҳам унинг фарзандлари орасида ёруғликка йўл топиб, оз-кўп баҳра олганлари бўлган. Юқорида XIX асрнинг охири – XX аср бошларида Туркистонда минглаб мактаблар бўлганини кўриб ўтдик. Гап бу даврда жаҳоннинг тараққиёт йўлини белгилаб турган Оврупо илм-фани, замонавий олий ўқув муассасалари ҳақида кетадиган бўлса, бу борада ҳам мисоллар йўқ эмас. Масалан, тақдир тақозоси билан бошидан қанчадан-қанча можароларни ўтказган ва ҳаж йўли билан Жиддага бориб, рус консули ёрдами билан 1894-1904 йилларда Москвадаги Лазарев номли Жонли шарқ тиллари институтининг гимназиясидан олий курсигача ўқиган Муқимийнинг жияни Рўзимуҳаммад Дўсматовни олайлик. Бу даргоҳда аср бошларида А.Е.Кримский, В.А.Гордлевский каби машҳур олимлар дарс берган эдилар. 1916 йили мардикорлик воқеаларини ёритгани келган “Вақт”нинг мухбири Шаҳид Муҳаммадёров Самарқанднинг Боғи шамолидаги бир йиғилишда Оврупо ҳарбий медицина академиясини тугатиб, бир неча йил аскарий табиб бўлиб ишлаган, 1914 йилги урушдан олдинроқ Бағдодга консул қилиб тайинланган маҳаллий халқ вакилини кўриб, ҳайратга тушган ва “табиатнинг ўйини” деб баҳолаган эди. “Садойи Туркистон”нинг муҳаррири, Туркистон мухториятининг ҳарбий нозири Убайдулла Хўжаев (1880-1939) Саратов университетининг ҳуқуқ факультетини битирган эди. 10-йилларда юқорида қайд этилган “Жамияти хайрия“нинг ёрдами билан бир гуруҳ ёшлар Уфадаги “Олия”, Оренбургдаги “Ҳусайния” мадрасаларида ўқиганлар. “Олия”да ўқиганлар орасида Мўминжон Муҳаммаджонов (1883 – 1964), Лутфулла Олимий (1893 – 1963), Мирмуҳсин Шермуҳамедов (1895 – 1929), Абдулҳай Тожиев (1899 – 1938), Тоҳир Шокир (Тоҳир Чиғатой 1902 – 1984)лар бор эди.

1909 йилнинг мартларида Бухорода “Ширкати Бухоройи шариф” тузилди. Мактаб-мадрасалар билан танишмоқ учун бир киши Истанбулга, бир киши Боқчасаройга юборилди. 1909 йил 18 июлда Бухоро ёшлари “Тарбияи атфол” номли яширин жамият туздилар. “Жамиятнинг биринчи мақсади Истанбулга ўқувчилар юбормоқ чорасига киришмоқ эди. Масориф учун жамиятнинг сирини очмасдан эътимод қилдиғи тараққийпарварлардан иона тўплар эди, жамиятнинг ижтиҳоди соясида бир қанча талаба Истанбулга юборилди”.

1909 – 1913 йилларда Абдурауф Фитрат (1886 – 1938), Усмонхўжа Пўлатхўжа ўғли (1878 – 1968), Ато Хўжа (1894 – 1938), Мазҳар Бурхонов, Муқимбек Истанбулда ўқидилар ”Бухоро таъмим маориф жамияти” туздилар. Айний унинг муассисларидан Муқимиддинбек (Муқимбек), Содиқ Ашур ўғли ва Абдулазизларни санаб ўтади. Бухорода таҳсил кўрган, кейинчалик Германияга бухоролик талабаларни олиб борган татар Олимжон Идрисий ҳам ушбу жамиятда ишлаган экан. Айнийнинг маълумот беришича, Истанбулдаги бухоролик талабалар йилдан-йил кўпайиб борган. 1911 йилда 15 нафарга, 1912 йилда 30 тага етган.

Туркистондан ҳам Истанбулга ўқишга борганлар бўлган. Масалан, Ҳамза “Дорулвоизин”да, Ғози Юнус (1893 – 1938) дорулмуаллиминда ўқиганлар.

Биринчи жаҳон уруши, мардикорлик ҳаракати, ҳатто 1917 йил воқеаларидан кейин ҳам бу ғоя тўхтаб қолмади. 1922 йилнинг ёзида Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси ҳайъати раёсати ва Бухоро ҳукумати қарорига кўра 60 дан ортиқ ўқувчи Германияга ўқишга юборилади. Ғоянинг бошида Фитрат, Мунавварқори, Файзулла Хўжаев, Турор Рисқулов турадилар. Булардан ҳозирча Саттор Жаббор (1905 – 1938), Солиҳ Муҳаммад (1902 – 1938), Сайдалихўжа (1893 – 1973), Хайринисо Мажидхонова (1905 – 1938), Марям Султонмуродова, Саида Шераҳмад қизи, Биримжон Азим, Фузайл Шераҳмедов, Рауф Расулий, Вали Қаюмхон, Аҳмаджон Иброҳимов, Абдулваҳоб Исҳоқов (Ўктой), Иброҳим Ёрқин, Афзал Абусаид, Султон Матқул, Собир Туркистонли, Аҳмад Наим, Темур, Абдумажид Иброҳимов, Аҳмад Шукрий, Тоҳир Чиғатой, Баҳваддин Амин, Билол Фатҳулло, Тўлаган Мўмин, Орифхон Иброҳим, Абдулла, Аҳмад Шукурий (Бухоро), Руқия Раҳим қизи, Шамсулбаротхоним, Заҳро Кашаева, Гулсум Музаффар, Эртой номлари маълум. Абдулваҳоб Муродий улардан сал олдинроқ борган эди.

1923 йилда Германияда туркистонликлардан 11, бухороликлардан 51 талаба ўқир эди.

Туркистонликлардан Берлин Ҳумбольдт университетининг тиббиёт факультетида 1, Берлин Техник академиясида 4, Қишлоқ хўжалиги академиясида 2 талаба ўқир эди. Икки ўқувчи кўнчилик мактабида, 2 талаба гимназиясида эди. Бухороликлардан Берлин Ҳумбольдт университетининг тиб, фалсафа, иқтисод, бинокорлик, электротехника, машинасозлик, қишлоқ хўжалиги каби ихтисосликларида 7, Витсинхауз олий қишлоқ хўжалиги мактабида 4, Саксония Фрайберг кўнчилик мактабида 2, Лейпциг матбаачилик мактабида 2, Дрезден муаллимлар мактабида 1, гимназиясида 1, Билефольд дорулмуаллиминида 2, Брауншвейт дорихона ишлари мактабида 1 талаба ўқиган. Берлин мактабгача тарбия қизлар ўқув юртида бир ўқувчи, шунингдек, болалардан 16 нафари Кослиндаги (Помен вилояти) 10 йиллик давлат билим тарбия муассасасида, 4 нафари доктор Факкелманнинг хусусий ўрта мактабида, биттаси Хермсдорф болалар уйида таълим олган. Ҳар хил машинасозлик заводларида 6 ўқувчи ўқиш учун тажриба ва кўникма орттирган эдилар.

Кўп ўтмай, ҳаммалари йўлларини топиб кетдилар. Абдулваҳоб Муродий, Биримжон Азим, Солиҳ Муҳаммад Берлин Олий қишлоқ хўжалиги академиясига қабул қилиндилар. Сайдалихўжа Олий техника академиясининг кимё, Афзал – архитектура, Аҳмаджон Иброҳим – тоғ муҳандиси, Султонбек, Тўлаган Мўмин – муҳандис-электрик, Билол машинасозлик факультетларида ўқий бошладилар. Орифхон Иброҳим Бонн Олий зироат мактабининг сув муҳандиси, Собир Дормштат Олий техника мактабининг машинасозлик, Аҳмад Шукрий Берлин Ҳумбольдт университетининг тарих-фалсафа, Аҳмад Наим, Шамсулбаротхоним эса тиббиёт факультетларига ўқишга кирдилар.

Тоҳир Шокир (Тоҳир Чиғатой) Ҳайделберг университетининг иқтисод, Абдулваҳоб Исҳоқ (Ўктой) шу университетнинг медицина фаакультети, Гулсум Музаффар Берлин ўқитувчилар институти талабаси бўлдилар...

20-йилларнинг ўрталаридан Русиядаги ички кураш советлар фойдасига ўзгара бошлагач, большевиклар ҳукумати миллатларга берилган ҳурриятни тортиб олди. Шулардан бири ёшларни чет мамлакатларда ўқитиш эди. Хуллас “чирик“, “реакцион” “буржуа мафкурасининг уяси” – Олмониядан ёшлар шошилинч чақириб олина бошлади. Талабаларни зўр бериб Русия шаҳарларидаги университетларда ўқишга тарғиб қилиш авж олди. Четда битириб келганларга дастлаб салоҳиятига яраша иш берилди. Таътилга келганлар қолдирилди. Сўнг эса уларга “Германия агенти”, ”жосус” сингари тавқи лаънатлар ёпиштирилиб, қатағон қилиш бошланди. Қайтиб келганларнинг катта қисми ясама айблар билан отиб ташланди, қолган оз қисми эса қамоқ ва сургунларда нобуд бўлдилар. Сафдошларининг ватандаги машъум тақдиридан хабар топиб, четда қолиб кетган ёшларимиз Германия, Туркия шаҳарларида ўз иқтидорларига мувофиқ илмий-маданий муассасаларда хизмат қилдилар, профессорлар бўлиб танилдилар (Тоҳир Чиғатой, Иброҳим Ёрқин, Сайдалихўжа, ака-ука Абдумажид ва Аҳмаджон Иброҳимлар, Абдулваҳоб Исҳоқ-Ўктой, Вали Қаюмхон каби). Лекин, табиийки, ватаннинг ҳасратли ёди билан умрларини ўтказдилар.



Шу тариқа жадидларнинг чор ҳукумати даврида йўлга қўйилган ва инқилобнинг дастлабки йилларида у қадар қаршиликка учрамаган хорижда миллий кадр тайёрлаш дастури 20-йилларнинг иккинчи ярмида шўролар ҳукумати томонидан барбод қилинди. Аслида бу ишнинг муваққат эканлигини, ўз университетларини очмагунларича миллий кадр тақчиллиги ҳал бўлмаслигини улар билар эдилар. Лекин университет ташкил қилиш учун аввало моддий сарват зарур эди. Мутахассис керак эди. Ниҳоят, ҳукумат қўлламаган тақдирда ҳам қаршилик кўрсатмаслиги лозим эди. Афсуски, XX аср бошидаги Туркистонда бу уч омилдан биттаси ҳам йўқ эди. Ёлғиз сўнгсиз иштиёқ, буюк орзу бор эди. Университет, аввало, миллатнинг кўкрагини кўтариш, бир вақтлар ўз салоҳияти билан жаҳон саҳнасида марказий ўринларни эгаллаб келган, сўнгги уч-тўрт асрлик таназзул ва бўҳронлар сабабли сурилиб, асоратга тушган Туркистоннинг кўзини очиш, жаҳонни ва ўзлигини танитиш, бир сўз билан айтганда, дунёга қўшиш учун лозим эди. Тараққийпарвар зиёлиларимиз бу зарурат ва эҳтиёжни дил-дилдан англадилар ва уни умуммиллат ғояси даражасига кўтардилар. Бу ғоя Русияга тобеъ бўлган халқларнинг илк матбуот минбари “Таржимон” (1883 – 1914)дан, “Ойна” (1913 – 15) гача, дастлабки уюшмаси “Иттифоқи муслимин” (1905)дан “Турон” (1913 – 18)у “Шўройи исломия” (1917) гача акс этди ва такомиллашиб борди.

“Оврупо бир кекса чолдир, тажрибаси кўпдир, – деб ёзган эди Исмоилбек 1885 йилда. – Улуғ ёшига ҳурматимиз бор. Тажрибасидан ўрганамиз. Лекин хатоларини такрорламаймиз. Мактабларини, университетларини бизлар ҳам қурамиз. Аммо ақлларимизни қанча ёритсак, қалбларимизни ҳам шунча “ҳаққоният” билан тўлдирмоққа ҳаракат қиламиз. Оврупода нимани кўрсак, ёш боладек олиб югурмаймиз. Эсли-ҳушли инсонлардек “Бу нимадир? Оқибати нима бўлади. Виждон ва ҳаққониятга уйғунми?” – дея ақл тарозисига тортиб оламиз. Оврупо маданияти мулоҳазасиз қабул қилавериш мумкин бўлган бир нарса бўлса эди, бу маданиятга Оврупонинг ўз вориси душман бўлмас эди”. “Фуқарои ислом сизлардан мол истамас, ош истамас. Дин – Қуръондан, жон – Худодан”, деб ёзади у 1906 йилда Бухоро ва Хива хонларига хитобан. – “Сиз, давлатлик хонлардан халққа эҳсон этиладиган нарса нашри маорифга, тараққиёт ва камолотга омил бўлувчи олий даражалик маориф мактабларидир. Кўҳна мадрасалар кўп Бухоройи шарифда ва Хивада энди бирор дорулфунуни исломия таъсис этмоқ лозим. Бу дорулфунунларга бир даража илм олган талаба қабул қилиниб, тарих, жуғрофия, кимё, ҳандаса, илми ҳуқуқ, усули идораи давлат, илми иқтисод ва бошқа лозим фанлар, туркий, форсий, русий ва франсавий тиллар ўргатилса, ушбу дорулфунунларда муаллим ва мударрислик қила оладиган аҳли камол топилади”. (“Таржимон”, 1906, 89-сон).

Беҳбудийнинг “Оина” журналида қуйидагиларни ўқиймиз: “Ҳозирги замон аҳволиға ошно кишиларға ва бошиға иш тушганларға, барча тожир ва мансабдорларға албатта маълумдурки, бизға мувофиқи замона одамлар керак, яъни мусулмон дўқтур, мусулмон муҳандис (инженер-пилончи), мусулмон закунчи, тижоратхоналарда мусулмон “агент” ишбошилар, подшоҳлик маҳкамаларида мусулмон маъмурлари, мусулмон судялари, натариус (муқаволот муҳаррири), бонкаларда мусулмон саркорлари ва... керакдур”.

“Турон” жамиятининг 73 моддалик низомида “оврупоча ўқув муассасалари очиш”, “ўрта ва олий ўқув юртларида ўқиётган талабаларга стипендиялар белгилаш” кўзда тутилган. Шунга яқин мақсадни “Нашриёт” (1914) ширкати ҳам қайд этган эди. Туркистон университети ғояси ва унинг амалиёти ҳақида гап кетганда муҳим изоҳталаб нуқта бор. Гап шундаки, ўтган аср сўнгидаги ўлкада юз берган ижтимоий-сиёсий қўзғолишлар туфайли чор ҳукуматининг муайян даврларида ҳам ўлкани ҳар жиҳатдан тадқиқ этиш, бой табиий-иқтисодий иқтидоридан замонавий асосларда янада самаралироқ фойдаланиш, яъни ўзлаштириш мақсадини кўзда тутувчи университет ғояси шаклланиб келар эди. Айни пайтда, бу жаҳон ҳамжамиятида маҳаллий халқнинг маърифати йўлида қилинган ишдек таассурот қолдирмоғи лозим эди. Шундай бир шароитда юз берган 1917 йил воқеалари миллатнинг истиқлолга ишончини қанчалик оширган бўлса, университет ҳақидаги орзуларига шунча умид туғдирди. Бироқ шўроларнинг риёкорлиги, Туркистон мухториятининг фожиали тақдири мустақиллик билан бир қаторда университет ғоясини ҳам хаёлга айлантирди. Шунга қарамай, жадидларимиз истиқлол ғоясидан воз кечмаганликлари сингари, миллат авлодини ушбу йўлда тарбиялашда буюк восита бўлган замонавий олий мактаб фикридан ҳам воз кечмадилар. Имкон қадар уни амалга ошириш чорасини изладилар. 1918 йили юзага келган шароитдан, айрим рус либерал демократ зиёлиларининг хайрихоҳлигидан унумли фойдаландилар. 9 апрелда Мунавварқори Абдурашидхоновнинг ҳовлисида 9 кишилик ташкилий ҳайъат иш бошлади. Бир ой давомида 9 йиғилиш ўтказилди. Бўлажак университетнинг ташкилий тузилишларидан тортиб, шўъба факультетлари-ю энг муҳим соҳаларнинг дастурларигача ишлаб чиқилди.

1918 йилнинг 21 апрелида Тошкентнинг Янги шаҳар қисмида А.В.Попов бош Туркистон халқ университети таъсис этилган бўлса, роса 21 кундан кейин 12 майда Эски шаҳарда Мунавварқори бош бўлган Туркистон Мусулмон халқ дорулфунуни талабаларига ўз эшикларини очди. 15 майда низоми қабул қилинди.

Дорулфунун уч (қуйи, ўрта, юқори) босқичли бўлиб, 5 йиллик дорулмуаллиминни ҳам кўзда тутар эди. Қисқа муддатда 23 мактаб ташкил топди, 299 муаллим жалб этилди. Улардан 22 киши олий диний мадрасаларни, 2 киши Русия университетларини битирган эдилар. Ўқитувчилар орасида 20 га яқин турли соҳа вакиллари, шу жумладан, таниқли шоир ва ёзувчи, дарслик муаллифлари бор эди. Чунончи, Абдусамиъқори Зиёбоев, Ғулом Зафарий, Мўминжон Муҳаммаджонов, Қаюм Рамазон, Шокиржон Раҳимий, Собиржон Раҳимий, Ҳайдар Шавқий, Мажид Қодирий, Абдулваҳоб Муродий, Марям Султонова, Зайнаб Шамсуддинова, Абдулла Раҳимбоев, Шамсиддин Шарафиддинов (Хуршид), Саъдулла Шарафиддинов, Аҳмад Шукрий, Эшонхўжа Хоний каби номларни эслаш кифоя.

Дорулмуаллиминда эса, Фитрат она тили ва адабиётидан, Мунавварқори ахлоқдан, Абубакр Диваев этнография, Камол Шамси математика, Бурҳон Ҳабиб сиёсий тарих, Исмоил Ҳаққи маданият тарихи фанларидан дарс бердилар.

Дорулфунун Самарқандда ўз шўъбасини очди. Машҳур Маҳмудхўжа Беҳбудий – раис, таниқли адиблар Ҳожи Муин-Меҳрий, Саидаҳмад Сиддиқий-Ажзий, А.Қурбий, Ш.Мухторий аъзо бўлдилар.

Бироқ расмийлаштиришни кундалик сиёсат даражасига кўтарган Шўро ҳукумати мусулмон дорулфунуни фаолиятига йўл бермади. Беш йилга мўлжалланган дорулмуаллимин 4 ойлик курсга айлантирилди ва ўша 1918 йилнинг сентябр ўрталаридаёқ тугатилди. Рус тилини етарли билмаган маҳаллий ёшлар олий таҳсилдан маҳрум бўлиб қолавердилар. Туркистонликларнинг четда ўқишларига 20-йилларнинг ўрталаригача тишини тишига қўйиб чидаган Совет ҳукумати Туркистонда миллий университет ишлашига тоқат қила олмади. Шу сабаб 1919 йилдаёқ Туркистон халқ университети (тўғрироғи, рус университети) Давлат университетига айлантирилди.

1923 йили унинг бешта факультетида ўқиган талабаларнинг миллий таркиби қуйидагича эди:

Жами – 2453. Шундан: руслар – 1575; Европа яҳудийлари – 397; арманлар – 134; татарлар – 81; ўзбеклар – 50; қирғиз(қозоқ)лар – 57; тожиклар – 11; Бухоро яҳудийлари – 34; туркманлар – 9; уйғурлар – 8; дунганлар – 1; литваликлар – 11; латишлар – 18; эстонлар – 4; поляклар – 32; немислар – 15; бошқирдлар – 17.

Бу жараён, табиийки, анчагача ҳеч бир ўзгаришсиз давом этди. Ва у ўз даврида большевикларнинг ўзини ҳам бефарқ қолдирган эмас. Масалан, 1927 йил 19 мартда ЎзКП (б) МК нинг 5-Пленумида Акмал Икромов шундай деган эди: “Икки мингдан ортиқроқ талабаси бўлган Ўрта Осиё университетида ўзбеклар бор-йўғи 80 та ва миллати озчиликни ташкил этувчилардан эса атиги 64 та экан. Ва у яна Ўрта Осиё университети эмиш! Москва олий ўқув юртларида ўқиётган ўзбек ўқувчиларининг сони Тошкентдагидан кўпроқдир.

Шу тариқа, олий таълим йўлидаги қизғин ҳаракат қиёфасини бироз ўзгартириб, тўхтаб қолди. Университет энди миллатнинг аслий хусусиятларини тиклаш, кўксини кўтариш эмас, аксинча, унинг хос жиҳатларини изчил йўқотиб бориш, ундан рус андозаси асосидаги совет кишиси ясаш устахонасига айлантирилди.

## МУАЛЛИФ ҲАҚИДА:

*Таниқли олим Бегали Қосимов (1942-2004) ўзбек мумтоз ва янги адабиёти муаммолари бўйича тадқиқотлар яратган. У туркий оламдаги уйғониш, адабий алоқалараро боғлиқлик масалаларини муфассал ўрганди ва тарғиб этди. Туркия Отатурк култур маркази фахрий аъзоси, Туркия Отатурк тадқиқотлар маркази мухбир-аъзоси сифатида фаолият юритди. Ўндан ортиқ дарслик ва қўлланмалар, 10 номда алоҳида асарлар, 200 га яқин илмий мақолалар муаллифи. Ўзбекистон Миллий университети Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти кафедраси асосчиси, биринчи мудири.*

Oyina.uz кутубхонаси



# БАҲОДИР ЙЎЛДОШЕВ – ЗАМОНАВИЙ ТЕАТР ЖАДИДИ

## театр, адабиёт, санъаткор шахси, санъат ҳамда ижод тўғрисида

*Баҳодир Йўлдошевнинг кетиши юз йиллик тарихга эга саҳна санъати режиссураси учун жуда катта йўқотиш бўлди. Ўзбек театри тарихида мактаб ярата олган уч режиссёр бор – Маннон Уйғур, Тошхўжа Хўжаев ва Баҳодир Йўлдошев. Улар қўйган спектаклларнинг ҳар бири овоза бўлар, халқ орзиқиб кутарди. Тошхўжа Хўжаев ижоди гуллаб турган даврда кетқизилди, бу кўргулик шогирдининг ҳам чекига тушди. Ваҳоланки, у биргина “Келинлар қўзғолони” спектакли билан ўзбек театри анъаналарининг йўлини очиб берган эди. Баҳодир Йўлдошев даврида Миллий театр бошқа театрлар учун ўрнак оладиган лаборотория эди. Баҳодир даври тугаганидан кейин бу нуфуз йўқолди. Ва бу инқироз биринчи бўлиб актёрлар ижросида кўзга ташланди. Юзаки ижрога ўтиб кетилди. “Фалон актёр пайдо бўлди”, деган гаплар йўқолди. У ҳаётининг сўнгги йилларини ўтказган “Дийдор” театр-студиясида йўқолиб бораётган актёрлик ижро техникаси билан шуғулланди, ёшларга асар моҳиятига қандай киришни ўргатди. Ишонинг, актёрлар билан бу тарзда ишлайдиган бошқа режиссёр йўқ! Афсус, Баҳодирнинг ўлими билан бу ҳам тугади. Яна қанчадир йиллар керак. Шарқу Ғарб адабиётини тинимсиз ўқийдиган Баҳодир актёрга фалсафий озуқа бера оларди. Ўзининг хаёллари билан осмонга чиқарарди, режиссёр билан бирга бошқа оламларга ўтар эдинг. Баҳодир Йўлдошев анча зиддиятли, ўзига хос мураккаб шахс бўлган. Бу руҳий зиддиятлар, аввало, шахснинг ўзини бурчакка тиқиб қўяди. Шу боис ҳам Миллий театрдаги зиддиятлар ўз-ўзидан бўлмаган. Бироқ уни “Маданият ва маърифат” телеканалидаги кўрсатувда сўнгги бор кўрганимда, ўзига пастдан қараб турган Суқрот даражасидаги файласуфни кўрдим. Юзидаги аввалги асабийликдан, тажангликлардан асар йўқ эди. Ҳаётини кафтига олиб томоша қилаётган донишманд. Бировдан хафа бўлмай, аламсиз, ютуқ ва камчиликларига пастдан қараб кетди.*

**Дилором Каримова,**
*Ўзбекистон халқ артисти*

### Санъат асарининг миқёси

Илм, ижод, умуман, гўзалликнинг поёни йўқ. Агар поёни бўлганида фақат битта одам “Ҳамлет”ни саҳналаштирарди. Бошқа режиссёрлар эса бу ҳақда бош қотирмасди. Лекин воқеаси ҳаммага маълум ўша ягона “Ҳамлет”ни юзлаб режиссёрлар яна бошқатдан яратишади. Ҳар бири турли нуқтаи назардан ёндашади ва ўз Ҳамлетини кашф этади. Ёки Алишер Навоий ғазалларидаги битта байтнинг бир неча хил шарҳи бор. “Навоийни тушуниб бўлдим!” деган азамат бу дунёда бормикан? Ҳазратнинг ҳар бир ғазали ундан олдинги ёзган ғазалига жавоб бўлиб келади. Ва кейинги ғазали учун саволлигича қолади…

### Санъаткор ҳаёти

Мен студиядаги болалардан самимий бўлишни талаб қиламан. Катта-катта ишлар қилиб ҳам ҳаётдан тамасиз, иддаосиз ўтган зотларга ҳурмат туйғусини уйғотишга уринамиз. Бу болалар келажаги ҳақида олдиндан “Ҳа, улар ўзбек театрининг порлоқ эртаси, умидим чексиз…” деб айтолмайман. Улар – менинг кемамга келиб-кетаётган йўловчилардан бир гуруҳи. Келади-кетади… Балки кетиб тўғри қилар. Ўзи учун афзалроқ йўлни топар. Йўллар кўп. Лекин шахсни Шахс қиладиган йўллар боши берк кўчалардир. Чиқиб кетишинг учун тайёр йўл йўқ бўлган вазиятдагина дунё сен учун ўз сир-синоатини очади. Ва шунда ўзингни англай бошлайсан.

Биласизми, юмшоқ ўрин руҳни ланж, қалбни мажруҳ қилиб ташлайди. Тушунтириб беролмайман, актёрлар ҳаёти, умуман, ижод одамларининг яшаш тарзи қизиқ-да. Ўзининг ҳаёти абгор, оиласи ғурбатхона, хўрланган, алданган, шунча ғами етмагандай, яна Ҳамлет ё Дездемонанинг изтиробини ўйлайди. Бу ғавғоларнинг сенга нима ҳожати бор, дейсиз.

Ўнқир-чўнқир бўлса ҳам, барибир, санъаткор гўзал ҳаёт кечиради. У шу ҳаётнинг ўзидаёқ ҳам Ромео, ҳам Отелло, ҳам Ричард, ҳам Цезарь… Гарчи фожиавий бўлса-да, бир қанча тақдирни яшаб ўтади. Ўзининг ҳаёти, бахтсизлиги улар қисмати олдида зарра бўлиб кўринади. Оддий одамлар эса фақат ўз ҳаётини яшайди.

### Истеъдод ва истеъдодсизлик

Истеъдодсизлар ўз йўлини топиб олаверади, сиз истеъдодни ҳимоя қилинг, асранг, деган фикрда катта ҳикмат бор. Чунки истеъдоднинг тугилган мушти бўлмайди, кўнгли жуда бўш бўлади. Шу учун истеъдодли одамлар ҳамиша бой бериб келишган.

Гўзалликнинг иродаси мўрт. Курашувчанлик – эзгулик учун мисоли бир бегона ўт. У бу дағалликни ўз бағрига сиғдиролмайди. Истеъдод эгаси одамлар билан эмас, асосан, ўз хаёли, ўзлиги билан банд. Унга орзусидаги мукаммалликка интилишига халал беришмаса бўлди. Бу мукаммалликни истеъдодсизлар ўз даражасида – карьера, шон-шуҳрат, обрў-эътибор ва яна алламбало, деб тушунишади.

Чин истеъдод эса фақат битта манзилни кўзлайди – ЕТУКЛИК! Яъни шамоллару алангаларга қилт этмасдан, тик туриш санъати. Ўзингни топиш йўлида эса қарама-қаршиликлар, тўсиқлар ниҳоятда кўп. Атрофдаги одамлар, муҳит бор кучи билан инсоннинг инсон бўлишига халал беради. Нафс, ҳасад, назари очлик каби қора туйғулар ўзингни англашга йўл қўймайди. Қолаверса, ич-ичингдан юксалишингга ёлғиз ўз кучинг етмайди. Бунинг учун, албатта, атрофингда сени тушунадиган, хайрихоҳ одамлар бўлиши даркор. Шарқ мутафаккирларида шундай фикр бор: “Искандар замони бўлса ҳам пирсиз юрма!”. Яъни одам бўламан десанг, олдингда маънавий раҳнамонг бўлиши шарт.

### Истеъдодлилар ҳақида

Эмишки, Суқрот “у ёқда Арасту билан учрашаман”, деган ўйда ўзига олиб келинган заҳарни пайсалга солмай ичган экан. Яъни ажал – Суқрот учун гўё Арасту эшигини очиб берувчи бир йўл. Донишманд дийдорига етишиш олдида оғу ҳеч нарса эмас! Устозим Тошхўжа Хўжаев айтардилар: “Агар сен Алишер Навоий, Шекспир каби ижодкорларга ўтмиш шоирлари ё мозийдаги бир одам деб қарасанг, улар чинданам, олисдаги бир афсона бўлиб қолаверади. Уларни замондошингдек қабул қил. Гўёки сен ҳозир шу зотлар билан учрашасан, гаплашасан…”. Шундагина улар бизни ҳам ўзиники қилиб олади.

Қўяётган спектаклимни шу сиймолар кўрганда нима дер экан, деб хаёлдан ўтказсанг, иш умуман бошқача тус олади. Ўйлашимча, шоирлар “агарда шеъримга Навоийнинг кўзлари тушганда у киши не дер эдилар?”, дея истиҳола қилганида эди, қанчадан-қанча шеърлар, ёстиқдай-ёстиқдай китоблар ёзилмаган бўларди. Лекин ҳаётда бундай принцип билан яшашни ҳаммаям эплайвермайди-да! Нима бўлган тақдирдаям, Навоийларни ўзимиздан узоқлаштирмасдан, яқин дўстдек қабул қилиш, улар билан суҳбатлашиш керак. Чунки олам ҳали тугагани йўқ. Тўрт-беш аср дунё учун ҳеч нарса эмас.

> *Тиётр ҳар бир миллатнинг ямон урф ва одатларини йўқ қилмак учун, ўзини аҳволини тузатмак учун боқадургон ойинасидир.*
>
> **Абдулла Авлоний**

### Ижодий жараён жозибаси

Режиссёр учун спектакллар фақат репетиция давридагина яшайди. Репетиция режиссёрнинг умрига умр қўшади, муҳокамалар эса умрни қирқади. Гарчи премьералар ҳам репетиция ҳисобланса-да, лекин биз учун бу асарнинг ўлгани. Шунинг учун ҳам бир вақтлар одамлар Мейерхольднинг репетицияларига пул тўлаб киришган. Чунки жараён қизиқ.

### Асл санъат эгалари

Санъат аслида хосларники, у ҳеч қачон омманики бўлмаган. Асл театр тарбия кўрган, ўқимишли, санъатни тушуниб қадрлайдиганлар учун муҳимроқ. Театр тарбиялайди, дейишади, бу – ёлғон! Театр тарбияламайди. Ҳеч қачон китоб ўқимаган, музейга бормаган одамларни зўрлаб театрга олиб келиб бўлмайди. Улар санъатнинг қадрига етишмайди. Чунки унинг моҳиятини тушунмайди. Шунинг учун ҳам Ленининнинг санъат халқникидир, деган шиорнамо гапи ҳақиқатдан мутлақ узоқ. Афкор оммага санъат эмас, биринчи ўринда нон керак. Уларга санъатнинг сояси ҳам кифоя.

### Ҳақиқий баҳо

Воқеаси ҳаммага маълум, ўта жўн сериаллардаям томошабин йиғлайди. Ҳар битта одамнинг йиғиси бурнининг учида бўлади. Агар овозни баланд кўтариб “Онажон, нега бизни ташлаб кетдингиз!” деб бақирсаям, йиғлайдиган одам йиғлайверади. Чунки ҳар кимнинг юрагида ўзининг “Она!” деган муқаддас сўзи бор. Қолаверса, йиғи билан йиғининг, кулги билан кулгининг фарқи катта. Томошабин қарсаклари, олқишлару кўзёшлар спектаклнинг ҳақиқий баҳосини белгилай олмайди. Асарнинг баҳосини фақатгина санъаткорнинг ўзи беради. Шунинг учун Пушкин айтадики, “Фақат битта ҳакам бор, у – менинг ўзим!”. Санъаткорнинг ўзигина ўзига ҳакам бўла олиши мумкин. Журналистлар, санъатшунослар уни қанчалар кўкка кўтариб мақташмасин, барибир, унинг кўнгли тўлмайди. Ўртамиёна спектакль саҳналаштирса, ҳечқурса ётишдан олдин “Барибир, ёмон спектакль қўйдим” деган ўй, албатта, хаёлидан ўтади.

Яна кимлар қарсак чалиши мумкин? Нима кўп, ўзбекнинг қариндош-уруғию ошна-оғайниси кўп. Залнинг ярмидан кўпини тўлдириб турган шулар қарсак чалади-да! Яхши ижодкор, албатта, яхши инсон бўлиши керакми?!

Бу – қонун эмас. Кўпчиликнинг тасаввурида ўрнашиб қолганки, бу ёзувчими, демак, у яхши одам бўлиши керак. Лекин бу қараш ҳар доим ҳам ўзини оқлайвермайди. Яқин ўтмишга назар ташлайлик. Ижодкор шахсиятининг ниҳоятда мураккаб эканлигини, улар ҳам ҳамма қатори ожиз кимсалигини ўттизинчи йиллар даври яққол исботлайди. Шекспир Ягони ёзиши учун унинг ўзида Яго бўлиши керак. Шундагина у яголар руҳиятини теранроқ ҳис этади, очиб беради. Хасислик борасида ҳаммани ортда қолдирадиган Қори ишкамбанинг муаллифи Айний ҳақидаги гаплар ҳам бежиз эмас. Улар ўзининг иллатлари устидан кулиб ёзсалар, фожиаларидан йиғлаб ёзадилар.

### Муҳаббат ва никоҳ

Жаҳон адабиётига назар ташласангиз, Ромео ва Жульетта, Тоҳир ва Зуҳро, Лайли ва Мажнунлар муҳаббатининг ҳеч қайсиси никоҳ билан якунланмайди. Биз ҳамиша никоҳни муҳаббатнинг энг юксак кўриниши деб айтамиз. Аслидаям шундаймикин? Висол муҳаббат учун тўйдан кейинги жаноза эмасмикин?!

Муҳаббат – жуда оғир туйғу. Бунинг масъулиятини елкага олиш ниҳоятда қийин. Инсонга Оллоҳдан рассомлик, ёзувчилик, қўшиқчилик истеъдоди берилганидек, севиш истеъдоди ҳам берилади. Сева билиш ҳам қобилият. Шунинг учун бу туйғу ҳаммага ҳам берилавермайди. Инсониятни давом эттириш учун табиатан эркак ва аёлга қандайдир туйғу берилган, лекин бу муҳаббат эмас. Ҳақиқий муҳаббатлар насл қолдиришни эмас, комилликни ўйлайди. Жульетта билан Ромео икки соат ичида қариб кетадилар. Муҳаббат одамни улғайтириб, камолга етказади, аммо ниҳоятда тез қаритади. Чунки дунёда бошқа қиладиган иш қолмайди. Ҳамма маъною сир-асрорларнинг тагига етиб бўлишади. Бир-бирини кучли севган инсонлар бу заминда биргаликда бахтли ҳаёт кечиришлари қийин. Бунга атрофдаги ташқи кучлар, яголар халақит беради.

### Ёш санъаткорларга…

Мен болаларнинг кўпроқ китоб билан дўст тутинишларини хоҳлар эдим. Билимсиз ҳеч нарса қилиб бўлмайди. “Қуръон”ни уқиш учун ҳам катта илм керак. Агар китоб жавонингизда “Қуръони Карим” турса-ю, ўқилмаса, бу муқаддас китобни увол қилган бўласиз! Ҳадиси шарифдаям айтилган-ку, “Бешикдан то қабргача илм изла!” деб.

Ҳар йили имкон қадар Шекспирни қайта-қайта ўқиб чиқишни хоҳлайман. Алишер Навоийни ҳар кун ўқиш керак, деб биламан. Ҳеч бўлмаганда бир ғазалини мутолаа қилиб мағзини чақиш шарт. Битта романни ўқигандек бўласан.

Ўзи дунёда ўн олтита сюжет бор. Навоий ва Шекспир буларнинг барисида қалам тебратган. Улардан кейинги ижодкорларнинг асарларида мана шу сюжетлар айланиб юради.

### Учинчи кўз

Инсоният ҳеч қачон ўзгармайди! Ҳазрат Навоий ва Шекспирларнинг классиклиги шундаки, улар ўз асарларида одамдаги барча ҳиссиётларнинг ҳамиша яшашини исботлаганлар. Ягонинг қилмиши – ҳеч қачон ўлмайдиган қилмиш. “Отелло” трагедиясида қаҳрамонларнинг бари ўлади, фақат Ягогина “Мен яраландим!” дейди. “Ўлдим!” демайди. Шекспир уни “тирик қолдиради”.

Ёмонликни, ёвузликни, фитнани фақатгина яралаш мумкин, холос. Уни ўлдириб бўлмайди. Одамзод қандай бўлса, ўшандайлигича қолади. Ҳаётдаги бирор-бир жоҳиллик янгидан ўйлаб топилган жоҳиллик эмас. Жаҳолатнинг янгиси йўқ. Ҳар бир ёзувчи эса ўзи билганича дунёнинг бир эшигини очади-да, ўша ердан туриб, “Ҳей одамлар, сизлар инсонсизлар!” деб уларга инсон эканликларини эслатади. Ҳаёт ҳақиқатларига нигоҳ ташлашга ундайди. Режиссёр эса уни ўзининг дунёқарашидан келиб чиқиб талқин қилади.

Ҳазрат Навоий таъбири билан айтганда, басират кўзини очмоқ керак. Бу – инсондаги ички қудратни акс эттирувчи пешонадаги учинчи кўз. Аслида, ҳиндларнинг пешонасидаги хол ҳам учинчи кўзни акс эттириш маъносида қўйилади. Бундай кўзга эга инсонлар қуш тилини тушунади, мўъжизалар яратади. Бутун оламни, табиатни идрок этади. Жаҳоннинг жони улар кўксида гуприб, олам билан бирлашади.

Аслида, бизнинг барча уринишларимиз, нигоҳимиз мана шу учинчи кўзни очишга қаратилган.

**Иқбол ҚЎШШАЕВА**
*тайёрлади*

Oyina.uz кутубхонаси

ИЗҲОР

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ГАЗЕТАСИГА ҚУТЛОВ



**Қардош Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида юз берган ҳар бир муҳим ўзгариш бизлар учун ҳамиша ҳузурбахш ва қувонарлидир.**

Боку шаҳрининг марказий кўчаларида ва проспектларида “ғизиллаб” учаётган Ўзбекистон автомобилларидан, Озарбайжон шаҳарларининг дўконларию супермаркетларини тўлдирган Ўзбекистон нозу неъматларидан қанчалар фахрлансак, шу кунларда янги “Jadid” газетасининг чоп этила бошлаганидан ҳам шунчалар хурсанд бўлдик. XX асрдаги Туркистон ижтимоий-гуманитар тафаккурининг порлоқ юлдузлари Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний, Исоқхон Ибрат, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Сиддиқий Ажзий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Тавалло ва ўнлаб бошқа илм-фан фидойилари жонажон Ватанининг худди бугунгидай Озод, Мустақил, Фаровон, жаҳон ҳамжамиятида ўзига хос ўрнига эга обрўли мамлакат бўлишини орзу қилган эдилар. Туркистон жадидларининг Озарбайжондаги маънавий қавм-қариндошлари Жалил Мамадқулизода, Мирза Алиакбар Собир, Абдураҳимбек Ҳақбердиев, Насафбек Вазиров, Узейирбек Ҳосилбеков, Ҳусайин Жовид, Муҳаммад Ҳодий, Алибек Ҳусайинзода, Аҳмад Оғаўғли ва бошқалар Озарбайжонда худди Туркистон жадидларидай, улар билан ҳамкорликда ўз юртдошларини миллий-маънавий уйғонишга, она-Ватан тақдирини ўзгартишга чорлаган эдилар.

XXI аср Ўзбекистонида жадид боболаримизнинг эзгу орзу ва умидлари рўёбга чиққан, деб бемалол айтиш мумкин. Ишончимиз комилки, “Jadid” газетаси нафақат қардош ўзбек маданиятида, айни пайтда, турк халқлари адабий-маданий ҳаётида ҳам ўчмас из қолдиради. Юксак тараққиёт йўлида дадил одимлаётган Ўзбекистоннинг жаҳоншумул довруғини яқин-узоқ мамлакатларга етказишда “Jadid” газетаси ҳам камарбаста бўлишига чин қалбдан ишонамиз. Ҳурмат-эҳтиром билан,

**Низомиддин ШАМСИЗОДА,**
*Озарбайжон Республикаси Давлат мукофоти соҳиби, хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор,*

**Яшар ҚОСИМ,**
*Озарбайжон Миллий илмлар академияси, Низомий Ганжавий номидаги Адабиёт институти бош илмий ходими, филология фанлари доктори*

# СЕНИ КЕЧМИШИНГГА БОҒЛАР ҲАР ЗАМОН



**Бахтиёр ВАҲОБЗОДА**

## Виждон

Икки йўлнинг ўртасида турганча,
Гоҳ у ёндан, гоҳ бу ёндан қўрқаман.
Девдан эмас, пашшачалик кучи бор,
Ўзини дев санагандан қўрқаман.

Ул даргоҳда Ҳақ девони қурилгай,
Не топгансан, бари бир-бир сўрилгай;
Иддаоси бўйнимизга юк илган –
Авф этилган шараф-шондан қўрқаман.

Бу дунёдан бир умидим мезондир,
Мен қўрққан кас у мезонни бузгандир,
Тўқ кимсанинг қутуриши ёмондир,
Очдан эмас, мен тўйгандан қўрқаман.

Ким ҳамкордир нафс деган шайтонга,
У тупурар ҳақиқату виждонга;
Ахир, виждон қиммат бергай инсонга –
Виждонидан қўрқмагандан қўрқаман.

## Алвидо

Дўстларим, умримнинг сафоси битди,
Тоққа кетдим, дала-тузга алвидо.
Кўзга туман чўкди, бошга қор ёғди,
Баҳорга алвидо, ёзга алвидо.

Сен ишқни ҳар замон муқаддас дединг,
Кунларга ёпишмоқ пуч ҳавас дединг,
Кўпни истамадинг, озга бас дединг,
Дерман: кўп йўқ эса, озга алвидо.

Энди томиридан узилган менман,
Ўрганган ошёни бузилган менман,
Энди на сен сенсан, на-да мен менман,
Энди биз бизмасмиз, бизга алвидо.

Бахтиёр, ярангдан оққан қон ҳар он
Сени кечмишингга боғлар ҳар замон;
Зулмат юрагингни ёғдулантирган,
Йўлингга шам тутган кўзга алвидо.

**Тоҳир ҚАҲҲОР таржимаси.**



**Марварид ДИЛБОЗИЙ**

* * *

Гулман, сансиз ҳазон ўлсам,
Шанман, ман бағри қон ўлсам,
Ман ҳам бир кун тўфон ўлсам,
Ҳазин саслим, хуш нафаслим,
Етишмасми хазон фаслим?!

Ўтман, ўчсам, кулга дўнсам,
Оловман пориллаб сўнсам,
Осон сузсам, қийин чўксам,
Ҳазин саслим, хуш нафаслим,
Келмасмикин хазон фаслим.

Бор эдинг, бор бўлдим мен ҳам,
Чечакларнинг ишқи санда.
Муҳаббатим, қуёш нурим,
Сўзи бол, қалби биллурим,
Ҳазин саълим, хуш нафаслим,
Келсанг, келар баҳор фаслим!

* * *

Сен – қаҳқаҳа,
Мен – кўз ёши.
Қайдасан кўнглим сирдоши?
Тўфонлидир умр қиши.
Сен кул!
Мен кулишни билмам!

Шодлик ичида бу олам,
Надир кўнглимдаги бу ғам?
Найлайинки, мен бахти кам,
Дард не билмам ҳамон.

Ғам эгди мағрур бошимни,
Топмадим сирдошимни,
Селга айланган ёшимни,
Ўзимдан айро билмасман.

Саҳрода ўсган бир гулман,
Фасли қуруқ ўтган йилман,
Истайдурман сансиз ўлсам,
Найлайин ўла билмасман...

**Дилбар ҲАЙДАРОВА таржимаси.**





**АНАР**



# БИР СТАКАН СУВ

HIKOYA

Бир куни қишлоққа шаҳардан катта одамлар келди. Ҳаммани тўплаб, ажойиб мажлис ўтказди. Пахтакор сўзга чиқди. Чўпон гапирди. Ўрмончи сўз олди. Механизатор ва зоотехник ҳам қатордан қолмади.

Шаҳардан келган ҳурматли ўртоқлардан бири деди:

– Негадир сувчилардан вакил кўринмайди. Наҳотки шундай катта қишлоқда биронта ҳам илғор сувчи топилмаса?

Нега энди илғор сувчи топилмас экан? Албатта, топилади. Ҳозир олиб келамиз. Дарҳол илғор сувчини қидириб кетишди.

Қуриб қолган ариқдаги сув тегирмонига чопиб боришди. Хайрият, сувчи Қуруқ Жаъфар шу ерда экан. Уни оёғини ерга теккизмай мажлисга олиб келишди. Катта одамлар унга:

– Сени табриклаймиз, ўртоқ Қуруқ Жаъфар! Яхшиям, сен бор экансан. Келганингдан беҳад шодмиз. Бу ердагиларнинг ҳаммаси гапиришди. Балки сен ҳам бирон нима дерсан, – дейишди.

Қуруқ Жаъфарни минбарга даъват этишди. Сувчи шўрлик довдираб қолди: Нима дейди? Нима ҳақда гапиради? У шундай ҳаяжонланиб кетдики, оқибатда минбарда турган стаканни туртиб юборди, стакан чил-парчин бўлди, суви чор тарафга сачради.

Сувчи ўзини батамом йўқотиб қўйди. Зўрма-зўраки, титраб-қалтираб, деди:

– Ҳечқиси йўқ, сув – яхшилик аломати...

У шундай дедию, минбардан тушиб, залнинг бир бурчагига бориб ўтирди.

Мажлис сўнгида шаҳардан келган ҳурматли кишилардан бири ажойиб нутқ ирод қилди. У жумладан бундай деди:

– Мен бир нарсани қатъий таъкидламоқчиман. Янги ерларни ўзлаштиришга алоҳида эътибор бермоқ керак. Илғор сувчиларнинг тажрибасини чуқур ўрганиш ва кенг ёйиш зарур. Ҳозиргина бу ерда сўзга чиққан сувчи Қуруқ Жаъфар – у бутун мамлакатга донг таратган, сизнинг қишлоғингизнинг фахри – жуда зўр гапни айтди. Сув – бу яхшилик аломати, деди у. Мен бу фикрга юз фоиз қўшиламан. Сувнинг қадрини биласизларми! Сувчи Жаъфарнинг қадрини биласизларми! Сув – келажакдаги ютуқларимизнинг гаровидир! Сув — қоп-қора тунда порлаб турган юлдуз!

Сувчи Жаъфарнинг юлдузи ҳам ана шундай порлоқ. Унинг тажрибаси билан ўртоқлашиш учун Ўзбекистонга жўнатишди. Унинг шавкатли меҳнати ҳақида шоир Т.Тушкунликов шеър ёзди, унга композитор К.Кўтаринкилов ажойиб музика бастaлади-ки, бу қўшиқни Б.Булбулов мириқиб куйламоқда.

Бир куни сувчи Қуруқ Жаъфарни шаҳарга таклиф этишди. Самур-Дивичинский каналининг йигирма икки йиллигига бағишланган катта митинг бўлди. Кутилмаганда раислик қилувчи сувчи Қуруқ Жаъфарга сўз бериб қолди. Жаъфар нима дейишини, нима ҳақда гапиришини билмай, довдираб қолди. Аммо узоқ ўйлаб ўтиришга вақт ҳам, имкон ҳам йўқ, ҳамма унинг оғзига термулиб ўтирарди. Жаъфар атрофга – митинг иштирокчиларига бир сира кўз югуртириб чиқди. Шу маҳал минбарнинг бир чеккасида бир стакан сув турганини кўрди. Жаъфар йўталиб олди-да, бошлади:

– Мана, мисол учун, шу стаканни олайлик. Ота-боболаримиз сув идишга қуйилганда уни ичса бўлади, деб жуда тўғри айтишган, демак, мен ҳозир мана шу сувни олиб ичишим мумкин. Бироқ шу сув стаканда, айтайлик, уч кун туриб қолса, уни ичиб бўлармиди? Йўқ, албатта! Нега? Чунки сув бир жойда узоқ туриб қолса айнийди. Шунинг учун каналлар қазишади, токи сув бир жойда тўхтаб қолмай, доимо оқиб турсин. Яшасин, мана шу канални қазиган ҳурматли меҳнаткашлар!

Унинг нутқини давомли қарсаклар билан олқишлашди.

Сувчи Жаъфарни ўша ерда қора “Волга”га ўтқазишдию, тўғри бошқа жойга – эски ҳаммомга янги тослар келтирилишига бағишланган митингга олиб кетишди. У машинадан тушиши ҳамоно минбарга бошладилар. Сувчи гапни ила кетди:

– Мисол учун бир стакан сувни олайлик... Николай замонида бойлар ана шу сув учун халқни қанчалар қийнаган... Айтиш мумкинки, халқ дарё бўйида-ю, аммо сувга зор эди. Тўғри, баъзан улар айрим жойларда ҳаммомлар қуришган, унга одамларни жалб этишни мўлжаллашган. Нима билан? Ҳаммомдаги сув биланми? Қаёқда дейсиз, гапираман деса, бу борада гап кўп, одамнинг калласига ақлли фикрлар ҳаммомда келади, деган нақл бор-ку, ахир. Бугунги шонли кунда, яъни эски ҳаммомга янги тослар тушириладиган тантанада мен сизларни чин қалбимдан табриклайман!

Митингдан сўнг сувчи Жаъфардан телевидение орқали сўзлашини илтимос қилишди.

Қуруқ Жаъфар деди:

– Яхши, маъқул. Мен розиман. Фақат бир шартим бор: менинг олдимга бир стаканда сув қўйинглар.

Бир соатдан сўнг Қуруқ Жаъфар зангори экран орқали нутқини бошлади:

– Ҳурматли телетомошабинлар! Мисол учун мана шу бир стакан сувни олайлик...

Шундан кейин сувчи Жаъфар бир ҳафта давомида турли йиғилиш ва митингларда нутқ сўзлади.

Пионерлар билан учрашувда бундай деди:

– Азиз болалар! Халқнинг мақолини сира эсдан чиқарманглар – йўл бошлаш каттадан, сув ичиш кичикдан.

Зоотехниклар кенгашида сўзга чиқиб айтдики, сувга ҳавас қилган — чанқоғини қондиради, отга ҳавас қилган — оёғини толдиради.

Астрономларнинг илмий конференциясида у ажойиб илмий фаразни илгари сурди: сув – рангсиз, ой эса думалоқ. Бадиий таржима проблемаларига бағишланган конференцияда ҳам иштирок этди. Бу мўътабар анжуманда сувчи Жаъфар шундай оригинал фикр айтдики, ҳамма ёқасини ушлаб қолди: “Қудуқ табиий равишда ўзи сув бериши керак, аввал пақирда сув қуйиб, кейин сув олинадиган қудуқларнинг баҳридан ўтиш зарур”.

Бир журналистга берган интервьюсида ижобий қаҳрамонга нисбатан ўз муносабатини тубандагига баён қилди: “Тинч оқар дарёнинг таги шиддатли бўлади”.

Бир куни жуда катта мажлис очилди. Дарҳол Қуруқ Жаъфарга сўз беришди. Энди Қуруқ Жаъфар олдинги Жаъфар эмасди, яъни тортиниб, гапини йўқотиб қизариб-бўзариб ўтирмади. Минбарга дадил, шаҳдам қадамлар билан чиқиб борди. Икки қўли билан минбарнинг икки томонидан ушлади, салобат билан залга разм солди. Томоғини бир қоқиб олди-да, вазминлик ила бошлади:

– Мисол учун мана шу бир стакан... – Жаъфар бирдан тутилиб қолди. Тили калимага келмай довдиради. Юзлари шолғом бўлди. Гап шунда эдики, унга нисбатан алоҳида ҳурматнинг ифодаси сифатида минбарнинг бир чеккасига одатдагидек сув эмас, бир стакан чой қўйилганди. Сувчи Жаъфар бу қийин ҳолдан чиқиб кетиш учун ўзича деди: – Сув... чой... арпачой... кўкчой... қора чой... Умуман айтганда... мен сувга чўкиб кетдим...

Анчадан бери сувчи Жаъфарга ҳасад аралаш ҳавас қилиб юрган чойхоначи Жамил ўн учинчи қаторда ўтириб, рақибининг аҳволини диққат билан кузатарди. Охири у чидай олмай, ўтирган жойидан бақирди:

– Ҳа, азиз дўстим, нима бўлди? Дарёга фақат қалпоғинг оқдими ёки бошинг ҳам оқиб кетдими?

Шу кундан эътиборан сувчи Қуруқ Жаъфарнинг порлаган юлдузи сўна бошлади. Чойхоначи Жамилнинг юлдузи эса кундан-кунга равшанроқ бўлиб бораверди.

**Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ**
*таржимаси.*

ЮРТ ҚАЙҒУСИ



Мунавварқори АБДУРАШИДХОНОВ

# ТИЁТР — УЛУҒЛАР МАКТАБИ

*(1914 йил 27 февралда Тошкандда «Колизей» театри биносида «Турон» труппасининг расмий очилиши муносибатила сўзланган нутқ)*

Жамоат!

Сиз ҳурматлуларга тиётр хусусида бир неча сўз айтмакка жасорат қилиб, қаршуларингизга чиқдим. Бу хусусда маним густоҳона ҳаракатимни афв этмаганингизни ожизона рижо қилурман.

Бизни Тошканд шаҳрида бир неча мартаба миллий тиётрлар ўйналган бўлса ҳам, холис Туркистон тилида ҳануз бир тиётр ўйналмағонлиғи барчамизга маълумдир. Шул сабабли баъзи кишиларимиз тиётрға, эҳтимолки, ўйинбозлиқ ёхуд масхарабозлиқ кўзлари ила боқурлар. Ҳолбуки, тиётрнинг асл маъноси ибратхона ёки улуғлар мактаби, деган сўздур. Тиётр саҳнаси ҳар тарафи ойнабанд қилинғон бир уйға ўхшайдурки, унга ҳар ким кирса, ўзининг ҳусн ва қабиҳини, айб ва нуқсонини кўруб ибрат олур. Ва бу саҳнада кўзига ёмон кўрунган паст одатлардин ва бузуқ ахлоқлардин узр қилмоқға ҳаракат қилур. Биноаналайҳ тиётрни бузуқ ахлоқ касалларининг энг ёқимли давосига ўхшатган киши ёлғончи бўлмаса керак, деб ўйлайман.

Тиётр саҳнасига чиқиб, юзига ун суртиб, бир масхарабоз шаклига киргон зотлар гўёки табиби ҳозиқ мисолиндадурлар. Бунлар аччиқ романларни ширин даволари ила халқға едирурлар ва аччиқ насиҳатларни сучук сўзлари ила халқға эшитдурурлар. Биз шу зотларга ва тиётрларга қандай кўз ила боқмоғимиз керак? Муни ўрганмак учун биз ўзимиздан бошқа мутараққий мамлакатларга боқайлик. Мисли устимизга ҳоким бўлуб турғон русларга, туркларга, немисларга, французларга, яҳудийларга ва бошқаларга, кўб узоқ кетмайлук, энг яқин қўшниларимиз бўлғон Қофқоз мусулмонлариға.

Бундан ўттиз йил муқаддам Қофқоз мусулмонларидин энг аввал чиқиб тиётр китоблари ёзған ва юзига ун суртиб тиётр саҳнасига чиқғон, адиби шаҳид Мирза Фатҳали Охундов жанобларига халқ қандай кўз ила қаради? Марҳум Охундов халқнинг нуқсонини кўрсатғон, миллат тараққийсиға ва мамлакат ободлиғиға хизмат қилгон, исми ҳар ерда ҳақорат ила зикр қилинурди ва ўзидан ҳар ким нафрат қилурди. Лекин ўттиз йил ўтгандин сўнг марҳум Охундов жанобларининг чеккан машаққатлари ва тортгон заҳматларини миллат ўйлаб, тақдир қилуб, онинг хотираси ва руҳининг шодлиги учун улуғ бир юбилей, яъни дуо мажлиси ясадиларки, ҳозирға қадар бундай улуғ мажлис мусулмонлардин ҳеч бир киши учун ясалғони йўқдур. Марҳум Охундов тутган йўлнинг улуғ фойдалари ҳозирда кўринмакда бошлади. Қофқозиянинг ҳар бир ерида жамияти хайриялар очилуб, аларнинг тиётру шуъбалари ташкил топди, буларнинг энг машҳурлари Бокуда «Нажот жамияти»дурки, бу жамият тиётр воситасила Қофқоз халқининг ахлоқини хийла ислоҳ қилди, ғафлатдин уйғонтирди, тараққий ва маорифга ҳавасларин ортдирди. Ҳозирда тиётр воситасила ҳар йил мингларча ақча жамъ қилур. Юзларча мусулмон фақир ва ожизларга ёрдам берур. Қўлидан келгунча миллатининг номус ва обрўсини ҳифз қилур ва шаҳарнинг атрофида бўлғон қишлоқларда ўттузға яқин мактаблар очуб, ислом болаларини тарбия ва таълим қилур. Юзларча миллат болаларини тарбия қилуб, ўқитуб, ҳақиқий миллат ва ватан ходимлари этиб майдонға чиқарур.

Модомики, бизим энг яқин қўшниларимиз ва ватандошларимиз ва диндошларимиз бўлғон тоторлар ва Қофқоз мусулмонлари бу тариқа тараққий ва тамаддунга қадам қўйдилар. Ва ёлғиз тиётр воситасила ўз миллат ва ватанларина бунча хизматлар кўрсатдилар. Биз, туркистонликлар на учун онлардин ибрат олмаймиз? На учун ўз тилимизда тиётрлар ясаб, орамизда бўлғон бузуқ одатларни йўқ қилмоқға ҳаракат қилмаймиз? На учун Туркистонда биргина бўлғон жамиятимизни ва фақирликдин инқирозга юз тутган мактаб ва маорифимизни ободлиғига саъй ва кўшиш қилмаймиз?

Бизим Туркистон мамлакати туфроғ, сув ва ҳаво жиҳатидин энг бой мамлакатлардин бўла туруб, на учун ўзумиз бундан фойдалана олмаймиз?

Мана, кетба-кет етган бундай саволларга жавоб бермак учун нодонлиқ ва оламдин хабарсизлик, демакдин бошқа чора йўқдур. Бу нодонлиқ ва дунёдин хабарсизлик балосидан қутулмак учун энг аввал орамизда ҳукм сурган бузуқ одатларнинг бузуқлиғини билмак ва ўрганмак керакдур.

Бас, бизга бу билдурғувчи ва ўргатувчи ёлғиз тиётр саҳнасидур. Сониян онларни тарк қилмак керакдурки, они тарк қилдирувчи яна жамият ва тиётр воситасила очилгон мактаб ва мадрасамиздур. Шул сабабли ҳимматли ёшларимиздан ва ҳимматли бойларимиздан бу тиётрларга фақат ўюн ва масхарабозлик кўзила боқмасдан, миллат ва ахлоқ жиҳатидан энг ибратли бир манзара ва улуғлар учун очилғон фойдали бир мактаб назари ила боқмоқларини ожизона арз ва истирҳом қилурман.

*«Туркистон вилоятининг газети», 1914 йил, 2 март*

> *Кимки ўз инсонлик даражасини асл ҳолатидан тараққий қилдирса, бу унинг инсонийлик оламиға киришидир. Ҳакимлар уни ИНСОН атағанлар.*
>
> **Абдурауф ФИТРАТ**

# ЖАРИДА ВА МАЖАЛЛА



## МАСЛАКИ ТАРЖИМОН

**Замонамизда турли маслак ва фикрлар пайдо бўлди.**

**“Таржимон” маслаги аксар халққа маълум бўлса-да, билмаган ҳам балки бордир.**

**“Таржимон” – ҳеч бир миллатнинг, ҳеч бир синфнинг, бой ё фақирнинг ҳақини инкор этмаяжакдир.**

**“Таржимон” – йигирма беш санадан бери миллатчи(миллатпарвар)дир...**

**“Таржимон” – миллатни ҳар нарсадан қимматли ва муқаддас тутажакдир... Роҳат ва саодати миллат учун изланажакдир.**

**“Таржимон” – ҳар турли иш аҳвол ва ихтилофга “ҳаққоният” ва “мумкинат” жиҳатиндан боқажакдир.**

**“Таржимон” – тавҳиди лисон (тил бирлиги), тавҳиди афкор (фикрлар бирлиги) ва маорифи миллия масалаларинда доимий ғайратда бўлажакдир.**

**“Таржимон” – ҳар на сўйлар ва ёзар эса, бу кунда миллатнинг англамаяжағи, идрок ва қабул эдажаги суратда арз ва баён эдажакдир.**

***“Таржимон” газетаси, 1906, №62***



СИДДИҚИЙ-АЖЗИЙ

Ўтган асрлардаги уламо ва шуароларимиз тарафидан турли лисонларда ва турли шеваларда жилд-жилд китоблар, рисолалар ва девонлар тасниф ва таҳрир буюрилган бўлса ҳам, асри ҳозир уламолари орасида ҳануз суюб лаззат ва муҳаббат ила ўқуган киши кўрилмаган эди. Дуруст баъзи бирлари ўқур ва мутолаа ҳам қилурлар. Лекин ўқуб бўлар бўлмас уйнинг тоқчасига ташларлар. Андин мутаассир бўлмак ва соҳиби китобнинг маслакларидан воқиф бўлуб баҳраманд бўлмак ва онинг мароминча амал қилмакка у қадар аҳамият бермас эдилар. Аҳодиси шарифа ва кутуби мутабарруканинг ҳар тарафини диққат назари ила боқуб дини мубин ислом муҳофазаси ва бақойи миллат мақсади ила тааммуқ назар қилмаган зотлар ниҳоятда озлиқлари сабабли Туркистон аҳолиси орасида ҳадиси шариф ва удабойи мутақаддим каломларидаги маъниларни назарда тутуб ибратланмак каби мақсудларга ноил бўлмаганлар кўбдир.

Ўтган азизлар ва салафи солиҳийнларнинг мақсадлари ила замони ҳозирадаги жарида ва мажаллаларнинг муддао ва маслаклари назари умумий тарафидан ҳақиқатан бирдир. Буларнинг вазифалари Қуръони карим ва ҳадиси шариф мазмунига мувофиқ тарғиби илм ва маърифат, дин ва дунё маъмуриятини ўз лисон ва шеваси ила очуқдан-очуқ умум англарлиқ даражада баён қилмакдир. Ҳар ерда бўлган воқеаларни кишига таъсир қиладирган ва танбеҳ берадирган хабарларни зикр қиладир. Хулоса: ҳар мажалла ва жарида ўз шева ва ўз маслаги ила олам муродига савқ қилувчи бир ходимдир.

Масалан Қозонда мунташир “Ад-дин вал-адаб” ила Оренбурғдаги “Шўро” мажалласини олайлук. “Ад-дин вал-адаб” уламойи киром қошларида шойистайи марғуб ва матлуб бўлуб, ояти Қуръония ва аҳодиси шарифани тафсир ва таржимаси ила яна бир неча зарурияти диниядан боҳис бир мажаллайи муфидадир. “Шўро” эса исмига мувофиқ бир руҳ ғазосидек маъноларни ҳовийдир. Афсуски, бизим Туркистонимиз аҳолисидан бир неча ададдан зиёдалари бунингдек мажаллалардан истифода қилмайдирлар. Ажабо! Аҳолимиз жарида ва мажаллаларни ўқумоқдан мунча ҳазар қилур эканлар, гуноҳдир деб шубҳалари борми? Байт:

*Мажалла махзани ирфон, жарида мактаби фазл*
*Бу икки нақд гиронмоядан-да биз маҳрум.*

5 инчи нумру “Садойи Туркистон”да икки-уч асарли хабарларни кўздан кечурдим. Наманганда жаноб Исҳоқжон афандининг хатна бобида урф-одатдан чиқмоқға қилғон жасоратлари ҳам масжид мактаб биносига қилган иқдомлари, қозихона жомеъ шарифида жаноб Тўрахон афандининг жуманинг фарзидан илгари қилган ваъзлари ва Мирзо Ҳамдамбойнинг мадраса ёнида мактаб бино қилмоқ хабарлари…



Кўб муддатдан бери қўллари-миздаги кутуби муқаддасага амал қилуб уламойи киромнинг муҳим ваъзларини эшитган бўлсак эди. Ушбу кундағи разолатларга гирифтор бўлмағон бўлур эдук. Маним бу сўзларни ёзмакдан мақсудим: жаридадан хабардор кишилар кўб мутаассир бўлинур эканлар. Шул сабабли они таклифи ҳидоят учун бир ходим эканлигига эътиқод қилуб кўброқ рағбат қилмоғларини муносиб кўрурман.

*“Садойи Туркистон” 1914 йил 21-сон.*

*Нашрга тайёрловчи:*
**Нодира ЭГАМҚУЛОВА**

ГЎЗАЛ ЁЗГИЧЛАР

# УМИД ГУЛИ БИЗИМ УЧУН



Абдурауф ФИТРАТ

## *Юрт қайғуси*

Онам! Сени қутқармоқ учун жонми керакдир?
Номусми, виждон била имонми керакдир?
Темур била Чингиз қони тошди томримиздан,
Айтгил! Сени қутқармоқ учун қонми керакдир?
Ёв суқгала келгач қиличини юрагингга,
Туш олдига, ол кўксуми – қалқонми керакдир?
Боқ, боқ, мана турк тенгизи тошқун қила қолди,
Турон ёвини қувғали тўфонми керакдир?
Турон, йигитинг, барчага боқ, қалқди оёқға,
Юртда қоровул қўйғали арслонми керакдир?

## *Ўгут*

Оғир йигит, сенинг гўзал, нурли кўзунгда
Бу миллатнинг саодатин, бахтин ўқудим.
Ўйлашингда, туришингда ҳамда ўзунгда
Бу юрт учун қутулишнинг борлиғин кўрдим.
Турма – югур, тинма – тириш, букилма – юксал,
Ҳуркма - кириш, қўрқма – ёпиш, йўрилма – қўзғал.
Ел йўлини тўсиб турган эски булутларни
Ёндириб қўй, йиртиб ташла, барчасин йўқ эт.
Қилолмасанг шу ишларни,
Сенинг учун хўрликдир бу...
Йиқил, йўқол, кет!

## *Беҳбудийнинг сағанасин изладим*

Чўкмишди ер узра олам тўсуғи,
Ўксузлик бойқуши қанот қоқарди.
Ботувда қизариб турған булутдан
Эзилған кўнглима мотам ёғарди.
Ҳақсизлиқ шаҳрининг қон ҳидли ели
Армоним гулидан бир япроқ узуб,
Баҳорсиз чўлларга совуриб қўйди.
Ул нозли япроғим сўлиб, сарғайиб,
Йўқсул қолғанлардай ҳар ён югурди.
Золимлар, мазлумлар, зулумларнинг-да,
Қайғулар, аламлар, ўлумларнинг-да
Барига учради, барчасин кўрди,
Ўз йўқотқонин изладию, сўрди.
Бир дарак топмағач, бирдан бир тикилди.
Бор кучин тўплади.
Золимнинг тахтини титратган бир товуш
Қичқирди:
– Отамнинг қабрини қай ерга ёшурдинг?!
Бот сўйла!...
Кирли тож кўб қўрқди ботур товшидан,
Сесканиб, титраб... ёшрунди
Бир жавоб бермасдан.

## *Шоир*

Бу кун йиғлаб ўтирмишдим, сен келдинг,
Бир шоирнинг бир «сўзи»ни сўзладинг,
Мен у сўзнинг руҳингдаги изларин
Сенинг гўзал кўзларингда ўқидим.
Ўқидуқча, у издан
Ўзим учун кўб умидлар тўқидим.
– Умидсизча яшай олмам, нетайин.
Эмиш... Шоир севгилисига ёзған
Бир ёзувда қайғуларини тўкмиш,
Сўзларининг энг охирида ондан
Руҳи учун бир оз кўмак истамиш.

Биласанми? Шоир ишқнинг энг нозли,
Эрка, инжиқ ёғдусидир, туролмас
Маъшуқидан кўрмаганча кулушли,
Марҳаматли, чин сезгули бир кўмак,
Мана шудир унинг учун бор тилак.
Шоир
Табиатдан сирли, теран маънолар,
Тириклик-чун очиқ, тўғри, чин йўллар
Излар – топар, ўзи учун сақламас.
Унларни
Ёз гулининг япроғидан тўқилган
“Сўз”лар илан ўраб бизга топширар.
Шоир
Ишқ боғининг тентак, сингирли, ёнган,
Булбулидир. Башарият дунёсин
Кичик, нозли қаноти узра қўяр,
Кўклар сари юксалткали талпинар.
Мана шунинг ўксуз, йўқсул кўнглуни
Кўтармак-чун, гўзалларга тегишдир.
Ким озғина қарағайлар, кулгайлар
Инграб турган жонини
Қўллағайлар, бир оз кўмак эткайлар.

ШЕЪРИЯТ

# Ватан – юракларга берилган кенглик



**Абдулла ШЕР,**
*Ўзбекистон халқ шоири*

## Чўлпон

Бўлолмади “оқилу доно”,
Ўтга отди аямай ўзни.
Шон-шухратдан кўрди у авло
“Озодлик!” деб аталган сўзни.

Синдиришгач гугурт чўпини,
Умри билан ёқди гулханни
Ва ҳилолга илиб дўппини,
Чиқиб кетди юлдуз тергани.

* * *

***Файзулла Хўжаев хотирасига***

Тарихнинг қоронғу йўлакларидан
Жилмайиб боради ёп-ёруғ инсон,
Шафаққа ўхшаган куракларидан
Қотган қон шаклида боқади замон.

Қўрқмаган кўкракнинг кураклари бу,
Хиёнат пичоғин жим кутиб олди.
Буюк Туркистоннинг эртаклари бу,
Қотган қон шаклида абадий қолди!

* * *

Ватан – юракларга берилган кенглик.
Қичқириб, чираниб,
кўкракка муштлаб,
Яланғоч шовқинга кўммайлик
номини.

Ватан – юракларга берилган кенглик.
Шивирлаб куйлайлик Ватан ҳақида
Навбаҳор куни
Пўстлоғидан кечган куртакка ўхшаб.

Шивирлаб сўйлайлик Ватан ҳақида
Узоқ қиш туни
Оқ тонгни уйғотган эртакка ўхшаб.
Шивирлаб ўйлайлик Ватан ҳақида
Тилсим деб уни,
Фарҳодга айланган гўдакка ўхшаб.

Ватан – юракларга берилган кенглик...

## Ғоя

Сен келмасдан дунё оқ эди,
Оппоқ эди барча нарсалар.
Кўнглим тоғу вақтим чоғ эди:
Лабда – кулгу, қўлда – қарсаклар.

Сен келдинг-у, бари қолиб жим,
Олачалпоқ тушга айланди.
Бутун олам жо бўлган кафтим
Қил ҳам сиғмас муштга айланди.

Сўнг мен содда, юмшоқ пайтларни
Кўмиб келдим олис томонга.
Олиб чиқдим қайсар байтларни
Замон деган кўҳна майдонга.

Оққуш эдим, ром этди қоя –
Мен бургутга айланиб қолдим.
Тоғ экансан, эй юксак ғоя,
Юксакларга бойланиб қолдим.

* * *

*Устоз Абдулла Қодирий ва*
*ундан аввал ўтган барча буюк*
*Абдуллоҳларга*

Абдуллоҳлар жуда кўп ўтган
Бу дунёда мен ҳам Абдуллоҳ.
Улар менга ишониб, кутган,
Мен улардан қарздорман, Аллоҳ!

Жангномадир улар ҳаёти,
Матонатга исм ҳар бири.
Ботинида қолган фарёди
Бу оламда сирларнинг сири.

Улар тутди буюк кўксини
Юрту иймон ҳимоясига.
Ҳатто тарих боқар ўксиниб
Кечмишларнинг ҳикоясига.

Таъқиблару сургуну зиндон...
Эркка ташна тиллар чўғланди.
Ҳайҳот, улар туғилган замон
Қатл ўқлари зимдан ўқланди.

Жаҳолатга қайралди тиғлар,
Ҳукм аҳлининг фармони бажо:
Сўз товушдан айрилиб йиғлар,
Ҳўнграб йиғлар ҳар битта ҳижо.

Топтаб ўтди насру назмни
Гоҳо этик, гоҳида туёқ,
Ёдга чизар улар расмини
Фожиадан қорилган бўёқ.

Йиллар ошиб, асрлар ошиб,
Тикилади менга ул кўзлар
Ва чиқар-у қалбимдан тошиб,
Ёриб ташлар қаламни сўзлар.

Ўртанади ичу ташларим,
Йиғлай бошлар шеърга томган ёш...
Сиз тинч ётинг, мен, адашларим,
Сиз учун ҳам кўтарганман бош!

## Бедорлик

Янгиланар йил ҳар йил,
Биз эса – эски.
Қаримайди гарчанд тил,
Сўз эса – эски.

Эслатади қировни
Сочлардаги оқ.
Изласак бир-бировни,
Хотира – чироқ.

Оҳ, у кунлар, у кунлар
Сўзга кўчмайди,
Гулхан бўлган учқунлар
Кўкка учмайди.

Энди юракмас, кўпроқ
Титрайди қўллар.
Тунлари қилар сўроқ
Ўтилган йўллар.

Гарчанд кўзни юмамиз,
Уйқу эса – йўқ;
Уйқу қочар – қувамиз,
Товонимиз чўғ.

Биз қўшиқлар тўқидик
Ёт оҳангларга;
Баъзан шеърлар ўқидик
Ғирт гарангларга.

Ҳаммасидан юмиб кўз,
Унутай десак,
Дард ҳақида бошлар сўз
Бўялган кесак.

Кесаклар орасида
Тош бўлолмасмиз.
Яна қайта расида,
Ёш бўлолмасмиз.

Бу дунё ўзи нима? –
Билолмадик ҳеч.
Эвоҳ, биз чиққан кема
Сувга тушди кеч.

Терс қўйилган нарвондек
Ёпишмай томга,
Ғурубдаги карвондек
Борамиз шомга.

Гулни куйлайди олам
Чўпдан ясаб соз...
Лекин яхши гаплар ҳам
Кўп бўлгани рост.

Шукрона айтса бўлур,
Шукрона ҳам – бахт.
Юзимизга сочар нур
Ёруғлашган Вақт.

Ниҳоят насим кирар
Қувиб қайғуни,
Киприкка тутиб берар
Қочган уйқуни.

ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАРДА




**Улжамол Хоннаева:**

— Янги 2024 йилнинг дастлабки янгилиги – ""Jadid" газетасининг нашр этилиши бўлди. "Jadid" барча юртдошларимизга муборак бўлсин!

**Отабек Бакиров:**

— Қайтадан ташкил этиладими, йўқдан бино бўладими, муҳими миллий матбуотда янги нашр пайдо бўлди — "Jadid". Бу ном жарангдор ва эътиборни тортади. Жадидлар дастурига қарайдиган бўлсак, адабиёт ва публицистика, санъат ва маданият асосий ўринда турган. "Jadid" саҳифаларида ҳам бу аниқ кўринади. "Jadid"дан шахсан менинг умидим катта.

**Достон Раҳмат:**

— Газеталарни кириллда, лотинда босилибди дейишдан кўра, уларнинг дизайни устида ишлаш кераклиги ҳақидаям гапиришимиз керакдир. Ўзбекистонда худди шунақа нусхада ва шаклда 15 тача газета чиқса керак. Агар ундан кўп бўлмаса.

Бошқаларни билмадим, аудиторияни жалб қилиш учун ҳам ҳозирги кунда газета дизайни жуда муҳим. Шу билан бирга, дизайнер ҳам ўз устида доимий ишлаб, изланишда бўлгани яхши.

**Шуҳрат Ҳайитов:**

— "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси ўз даврида турлича номланган, яъни инқилобий ўзгаришлар бу газетада кўп бўлган. Энг муҳими, у бугун янги ном билан 700-800 нусхада эмас, балки йигирма мингга яқин ададда чоп этилаётир.

Асосий масала газетанинг қўлма-қўл ўқилишида, ўз ўқувчиларини топишдадир...

**Назокат Муродова:**

— Янги газетанинг шов-шувини эшитиб ўқигим келди. Лекин тополмадим. Тезроқ электрон версиясини йўлга қўйинглар. Телефонда бўлсаям ўқиб турайлик.

**Шерзодбек Деҳқонов:**

— Газеталар "даври" яна қачонлардир қайтиши керак. "Jadid"чилар жамоасига ижодий баркамоллик тилайман. Иложи бўлса, нашр сони кўпайиб, ҳар бир хонадонга кириб борса... Электрон шаклини ёритиш масаласини ҳам ўйлаб кўриш керакмикан. Фақат обуна билан чекланса, газета юксалиши қийин ҳозирги вақтда. Яъни ижтимоий тармоқларда фаоллашиш майдонини яратиш керак.

МУЛОҲАЗА

# ЭРТАНИНГ ҒАМИ...

**...Бу қизчани деярли ҳар куни “Навоий – 30” номи билан шуҳрат топган бино олдида кўраман. Қорамағиздан келган, йиртиқ кавушини эпчиллик билан судраб, бир қўли билан йўловчининг этагидан тутганча, иккинчи қўли билан юзига фотиҳа тортади. Жимгина тураверади. Фақат... кўзлари гапиради. Қоп-қора бу кўзларда гўёки сиёҳ билан йўғон-йўғон ҳарфларда “Садақа беринг!” ёзилгандек...**

Навоий кўчасидан тасодифий йўловчи кам ўтади. Кунда-шунда нашриёт ва таҳририятларга келувчиларнинг аксарияти қизчани танийди. Кимдир ҳазил-ҳузул қилиб, бир-икки сўм берса, айримлари ўзини кўрмаганга олиб, ўтиб кетади.

– Пулни нима қиласан? – гапга солдим бир куни қизчани.

– Нон оламан.

– Нонинг бор-ку? – қўлидаги нон бўлагига ишора қилдим.

– Эртага нима ейман? – ажабланиб сўз қотди қизча.

Ғалати аҳволга тушдим. Қизчага “нонпули” бериб, ишхонага келдим. Унинг саволи тинмай миямда айланарди: “Эртага нима ейман?”...

Ўша воқеага қадар Худо мени тиланчи қилиб яратмаганига шукрона келтириб, садақа қилардим. Бундоқ ўйлаб қарасам, мен ҳам, мендан устун бўлганларнинг кўпчилиги ҳам шу қизчадан деярли фарқимиз йўқ экан. Биз учун ҳам “Эртага нима ейман?” деган савол ҳаётимиз маъносига айланиб қолгандек...

Қорин ғами жамият тараққиётига энг катта таъсир кўрсатадиган омил бўлиб кўринади гоҳида. Бир вақтлар Карл Маркс айтганидек, иқтисодий фаровонлик жамиятнинг маънавий барқарорлигини таъминлайди. Шу гап рост бўлса, фақат бойлари кўп бўлган жамият маданият, маънавият, ахлоқ ҳақида қайғуради. Йўқсиллар жамиятида адабиёт ҳам бўлмайди, санъат ҳам. Маданият ҳам бўлмайди, маънавият ҳам... Унда нега коммунистлар бойларга қарши курашишди? Тушунмайман. Майли, гап бу ҳақда эмас. Гап – бойлик ва маънавият муносабатлари ҳақида.

Тарихга мурожаат қиламиз. Фирдавсий “Шоҳнома”сига етарли ҳақ олмагани учун Султон Маҳмуд Ғазнавийни ҳажв қилди. Низомий Ганжавийнинг “Хамса”сига беш нафар подшоҳ ҳомийлик қилган. Алишер Навоийнинг сўз соҳибқирони бўлишига ким сабабчи бўлганлигини Кишварий деган бир шоир шундай ифодалаган экан:

*Кишварий шеъри Навоий шеъридин аксик эмас,*
*Бахтига душсайди бир Султон Ҳусайни Бойқаро.*



Биз Мустақилликнинг дастлабки босқичида ҳам шу йўсинни маҳкам ушладик – олдин иқтисод! Кейин сиёсат! Айниқса, тадбиркорликка кенг йўл! Маънавият-чи? Олдин қоринни тўйғазайлик, кейин маънавият ҳақида ўйлаймиз. Маънавият ҳақида ўйлайдиган бўлсак, эртага нима еймиз?..

Кимдир хорижга чиқиб кетди, кимдир тирикчилик бозорига. Кимдир порахўрликни бошлади, кимдир воситачи бўлди. Ҳамма тўрт томонга ўзини уриб, рўзғорини обод қилишга киришди. Қорнимиз нонга тўйди, бироқ кўзимиз очлигича қолди. “Эртага нима еймиз?” саволидан қутулолмадик.

Маънавият эса, бозорга қарам бўлиб қолди. Бозорга солинди маънавият. Мусаффо осмон ҳақидаги маърузалар мактабда “иккичи” бўлган уддабуронларнинг ажнабий мошинасининг чангида қолиб кетди. Одамни одам ўрнида кўрмайдиганларнинг донғи чиқди, маъракаларнинг тўри шуларники бўлди. Мезонлар қоринга қараб белгиланди...

Ислоҳотлар бошланди. Катта ислоҳотлар, умидбахш ислоҳотлар. Ойликлар бир неча баравар кўтарилди, уй-жой сотиб олишга имкониятлар яратилди. Аммо порахўрлик иллатидан буткул халос бўлмаяпмиз. Камида ўн миллион сўм ойлик оладиган айрим амалдорлар муҳтож бир инсоннинг охирги 100 сўмини юлишдан ҳазар қилмайди. Олаверади. Тиланчи қизчага ўхшаб, “Эртага нима ейман?” деб олаверади. Берганнинг бетига қарамай олаверади...

Бизда бойлар қатлами ҳали тўлиқ шаклланмади. Исмига “бой”ни қўшиб чақиртирадиганларнинг кўпи ҳали бойлик нималигини билмайди. Ҳақиқий бой қулликка кўнмайди. Нафсга қул бўлмайди...

Нафсни итга ўхшатишган мутафаккир боболаримиз. Итнинг бўридан фарқи нимада? Бўри сассиқ гўштга қарамайди. Итнинг олдига тоза гўшт билан ҳидланган гўштни отсангиз, бадбўй гўштга ёпишади. Нафс ҳам худди шундай – ҳалол луқмадан кўра, ҳаром порани кўпроқ истайди...

Бугунги фаровонлик, қулайлик ва эркинлик ҳаттоки Темурийларнинг шонли даврида ҳам бўлмаган. Аммо сабр-қаноат, мурувват, меҳр-оқибат, одамийлик бобида аҳволимиз қандай? Нафсимиз қулига айланиб бормаяпмизми...

Шайх Фаридуддин Атторнинг “Тазкират ул-авлиё”асарида келтирилишича, Туруғбадий исмли бир авлиё муридлари билан таомланиб ўтирган экан. Чўл томондан бир йигит катта овчи итини етаклаб келибди. Кекса Туруғбадий меҳмонни иззат-ҳурмат билан давранинг тўрига ўтқазибди. Меҳмон ҳеч нарса емас, сўз қотмас ҳар замон ёнига чўккалаган итига бир бурда нон бериб қўяркан.

Меҳмонни кузатганидан сўнг, муридлар шайхга эътироз билдиришибди:

– Дастурхон тўрига ити билан чиқиб олган бу бефаросат ким бўлди?

– Бу йигит – Мансур Ҳаллож. Ичидаги нафсини ташқарига чиқариб, ит суратида ўзига эргаштириб юрибди. Бунинг кашфу каромотлари ҳали кўп маротаба олам аҳлини ҳайратга солар, деб жавоб берибди Шайх.

Бизнинг нафс итимиз қаерда?..

**Нодира АСАДОВА,**
*журналист*

Jadid
adabiy, ilmiy-ma'rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

МИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМОАТ ФОНДИ

“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ” ЖАМОАТ ФОНДИ

**Бош муҳаррир:**
Иқбол Мирзо

**Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари:**
Ҳумоюн Акбаров

**Навбатчи муҳаррир:**
Шуҳрат Азизов

**Саҳифаловчилар:**
Эркин Ёдгоров
Нигора Тошева

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Газета 2023 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 195115 рақам билан рўйхатга олинган.

Адади – 4169
Буюртма:
Г – 140
Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.
Нашр кўрсаткичи – 222.
Ташкилотлар учун – 223.
1 2 3 4 5 6



**Манзилимиз:**
Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани,
Навоий кўчаси, 69-уй

**Телефонлар:**
(71) 233-11-07

**“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.**

**Босмахона манзили:**
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

**Босишга топшириш вақти:**
21.00.
**Босишга топширилди:**
21.35.

Сотувда нархи эркин.

Oyina.uz кутубхонаси